

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

5/2021

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Ҳалилillo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан
босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача
бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва
кайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» –
«Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттес-
тация комиссияси Раёсатининг 2013 йил
30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан
докторлик диссертациялари бўйича илмий
мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйха-
тига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбу-
от ва ахборот агентлигида 0026-рақам би-
лан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа
бошлаган.

Бош муҳаррир

Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб

Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» рес-
публика танловида «Энг яхши ёритилган
ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб
деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz

Веб-сайт: www: odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 18 майда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ.
Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳри-
рият компьютерида терилди ва саҳифалан-
ди. Буюртма –8.
Нашр адади 5000 нусха.

Навбатчи муҳаррир

Муталиф СОДИҚОВ

НАШР ИНДЕКСИ – 909

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА NASHR GROUP» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 057,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
Ифтихор кўчаси, 117-уй

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарори.....13

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

Э. Тургунбоев. Жазодан озод қилишнинг тури сифатида шартли ҳукм қилиш.....20

МУНОСАБАТ

Ж. Иброҳимов. Терроризм билан боғлиқ айрим ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш масалалари.....25

ЖАРАЁН

О. Исмоилов. Фуқаролик процессида тарафлар ва уларнинг ҳуқуқий табиати.....30

ҚОНУНЧИЛИК ТАРҒИБОТИ

Ф. Отахонов. «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти.....36

ҚОНУН ВА ИЖРО

А. Ибрагимова. Медиатив келишув.....40

МУЛОҲАЗА

О. Эшонқулов. Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва баҳолашнинг айрим муаммолари.....43

СУД ОЧЕРКИ

Н. Мирзаалимов, М. Содиқов. Тунда янграган ўқ овози.....48

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотека ЮРИСТА.....80



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

СУДЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

2021 йил 20 апрель

13-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиноят ишларини апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш суд процесси иштирокчиларининг қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан шикоят беришга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 497²-моддасига мувофиқ, апелляция тартибида иш юритиш маҳкум, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, улар вакилларининг шикояти, шунингдек, прокурор ва унинг ўринбосари протести бўйича кўзғатилади.

Апелляция тартибида иш юритиш ЖПК 497²-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, ҳукмнинг ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларига дахлдор

қисми устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга бошқа шахслар томонидан ҳам кўзғатилиши мумкин. Улар жумласига қонунда белгиланган тартибда процесснинг у ёки бу иштирокчиси сифатида эътироф этилмаган, бироқ ўзининг ҳақиқий ҳолатига кўра, суд ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар (гаров берувчи, мулки хатланган шахс ва бошқалар) киради.

Шу муносабат билан биринчи инстанция суди шикоят (протест)ни қабул қилиш пайтида апелляция шикояти (протести) берган шахснинг бундай ҳуқуққа эгаллигини текшириши шарт.

3. Қонунга кўра, апелляция шикояти (протести) ҳукм чиқарган суд орқали берилади.

Биринчи инстанция суди ҳукми устидан апелляция шикояти (протести) ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса, уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилади.

Бевосита апелляция инстанцияси судига берилган шикоят (протест) ЖПК 497⁶-моддаси талабларини бажариш учун ҳукм чиқарган судга юборилиши керак.

Ҳар бир апелляция шикояти (протести) келиб тушган санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинishi шарт.

4. Апелляция шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги ил-

тимоснома суд томонидан ЖПК 497⁵-моддаси биринчи қисмига мувофиқ кўриб чиқилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан ЖПК 497¹¹-моддаси биринчи қисмига кўра, йигирма кун ичида хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят (протест) берилганда, апелляция инстанцияси суди хусусий шикоятни (протестни) асосли деб топса, биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди ва ишни апелляция шикояти, протести (хусусий шикоят ёки хусусий протест) бўйича мазмунан кўради. Бунда кўрсатилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ажрим эълон қилингандан сўнг апелляция инстанцияси судининг мажлиси ЖПК 497⁶-моддаси иккинчи қисми талабларини бажариш учун кейинга қолдирилади.

5. Судларга тушунтирилсинки, қонунда апелляция тартибида иш юритиш предмети бўйича муайян истиснолар белгиланган.

Жумладан, биринчи инстанция суди томонидан суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига, процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек, суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан шикоят (протест) берилиши мумкин эмас. Ушбу ажримлар бўйича эътирозлар апелляция шикояти (протести)га киритилиши мумкин.

Ҳукм чиқарилгандан сўнг қабул қилинган амнистия актини татбиқ этиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалалари юзасидан, шунингдек, маҳкумга нисбатан ижро этилмаган бир неча ҳукм мавжуд бўлиб, кейинги ҳукмни чиқарган суд бундан беҳабар бўлган ва ҳ.к. ҳолларда берилган шикоят (протест), агар унда айна бир пайтда жиноят ишининг маз-

муни ёки ҳукм (ажрим)нинг қонунийлиги ва асослилиги бўйича бошқа масалалар кўйилган бўлмаса, апелляция тартибида алоҳида кўрилмайди. Бу масалалар биринчи инстанция суди томонидан ЖПК 540-моддаси ва 541-моддаси биринчи қисми қоидаларига мувофиқ ҳал этилади. Бундай масалалар юзасидан чиқарилган суд ажрими устидан умумий асосларда хусусий шикоят (хусусий протест) берилиши мумкин.

6. ЖПК 497⁸-моддасида апелляция шикояти (протести)нинг мазмуни юзасидан муайян талаблар белгиланганлиги туфайли, биринчи инстанция суди шикоят (протест) берувчи шахс томонидан уларга риюя этилганлигини текшириши шарт.

Агар шикоят (протест)нинг мазмуни қонун талабларига жавоб бермаса ва бу кейинчалик ишни мазмунан кўришга тўсқинлик қилса, судья уч кунлик муддат ичида ажрим билан уни берган шахсга қайтаради. Бундай ҳолда шикоят (протест) қайта расмийлаштириш учун ЖПК 497⁷-моддасида белгиланган доирада муддат белгиланади. Мазкур муддат шикоят (протест)ни уни берган шахсга қайтариш тўғрисидаги ажрим топширилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Шикоят (протест), жумладан, унда қуйидагилар бўлмаса қайтарилиши мумкин, яъни:

1) шикоят (протест) йўлланаётган суднинг номи;

2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳукмни чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;

4) шикоят (протест) берган шахснинг важлари, унинг фикрига кўра, ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти;

5) шикоят (протест) берган шахс ўз талабларини асослаётган, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далиллар;

6) янгидан тақдим этилаётган далиллар ва уларнинг биринчи инстанция судига тақдим этилмаганлиги сабаблари;

7) шикоятга (протестга) илова қилинаётган материаллар рўйхати;

8) шикоят (протест) берилган сана ҳамда шикоят (протест) бераётган шахснинг имзоси.

Агар шикоят (протест) берган шахс суд томонидан белгиланган муддатда ажримда кўрсатилган камчиликларни бартараф этса, шикоят (протест) судга дастлаб тақдим этилган кундан бошлаб берилган ҳисобланади. Суд кўрсатмаларидан бири бажарилмаган ҳолда шикоят (протест) берилмаган ҳисобланади.

7. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, қонун апелляция шикояти бериш ҳуқуқини амалга ошириш муддатини маҳкум, оқланган шахс ва жабрланувчига ҳукм нусхасини топшириш факти билан боғлайди.

Шу муносабат билан ишдаги материаллар (масалан, суд мажлиси баённомаси) билан танишгандан сўнг «асосий» шикоят (протест) тақдим этилишини кўрсатиб, «дастлабки» апелляция шикояти (протести) берилиши қонунда назарда тутилмаган.

8. Жиноят процесси иштирокчисининг ўз шикояти (протести)га ўзгартириш киритиш ҳуқуқи апелляция инстанцияси суди мажлиси бошлангунга қадар амалга оширилиши мумкин. Бироқ, ЖПК 497⁹-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, апелляция шикояти (протести) важларини маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга фақат суд қарори устидан шикоят (протест) бериш учун белгиланган муддатда ўзгартирилишига йўл қўйилади.

ЖПК 497⁴-моддасида белгиланган муддатлар ўтгандан сўнг берилган, маҳкум-

нинг аҳволини оғирлаштиришга қаратилган талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайди, шу жумладан, ўтказиб юборилган апелляция шикояти (протести) бериш муддати тиклангандан сўнг берилган бундай талаблар.

9. ЖПК 497¹⁰-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти (протести) берган шахс ўз шикояти (протести)ни, маҳкум эса, ҳимоячиси берган шикоятни ҳам қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқи юқори турувчи прокурорга ҳам тегишли.

Қонун мазмунига кўра, апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунга қадар қайтариб олиниши мумкин.

Апелляция шикояти (протести)нинг қайтариб олиниши, агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан берилган апелляция шикояти (протести) бўлмаса, апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келади. Бундай ҳолда суд апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олган шахсга нисбатан апелляция тартибида иш юритишни тугатади ва бошқа шахсларга нисбатан давом эттиради.

Суд апелляция тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилгунга қадар апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олаётган шахсга апелляция тартибида иш юритиш тугатилиши апелляция шикояти (протести) билан такроран мурожаат қилишга тўсқинлик қилишини тушунтириши шарт.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ЖПК 497⁷-моддаси иккинчи қисми талабларининг бажарилиши процесс иштирокчилари ҳуқуқларининг таъминланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан апелляция инстанцияси суди ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш пайтида қуйидагиларни текшириши шарт:

маҳкум (оқланган шахс)га, жабрланувчига биринчи инстанция суди қарорлари

нусхасининг топширилганлигини;

процесс иштирокчиларига апелляция шикоят (протести), шунингдек, қўшимча материаллар келиб тушганлиги тўғрисида хабар берилганлигини;

апелляция шикоят (протести) билан процесс иштирокчилари таништирилганлиги ҳамда уларга ушбу ҳужжатлар нусхаси топширилганлигини;

жиноят иши апелляция инстанцияси судига юборилганлиги тўғрисида ЖПК 497²-моддасида кўрсатилган шахслар хабардор қилинганлигини.

Апелляция инстанцияси суди суд қарорининг ишда тараф бўлмаган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми юзасидан апелляция шикоят (протести) билан келиб тушган ишни кўришга тайёрлаш пайтида қуйидагиларни текшириши шарт:

унга суд қарори нусхаси топширилганлигини;

унга шикоят (протест) берилганлиги тўғрисида хабар берилганлигини;

келиб тушган шикоят (протест) нусхаси унга берилганлигини;

унга апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи тушунтирилганлигини;

жиноят иши апелляция инстанцияси судига юборилганлиги тўғрисида унга хабар қилинганлигини.

Ушбу талаблар бажарилмаганлиги аниқланган ва уларни ўзи амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, апелляция инстанцияси суди ишни қайта расмийлаштириш учун биринчи инстанция судига юборишга ҳақли. Биринчи инстанция суди томонидан ишни қайта расмийлаштириш ЖПК 497⁷-моддасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилиши лозим.

11. Эҳтиёт чораси сифатида қамокда ёки уй қамоғида сақланаётган ва апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш истагини билдирган маҳкумнинг

унда иштирок этишини таъминлаш ушбу суднинг мажбурияти ҳисобланади. Шунинг учун жиноят иши келиб тушганидан кейин маҳкум апелляция инстанцияси судида иштирок этиш истагини билдирган ёки билдирмаганлигини аниқлаш ва натижасига қараб, уни суд мажлисига олиб келиш бўйича чоралар кўриш ёки видео-конференцалоқа тизимидан фойдаланиш орқали суд мажлисида иштирок этиши ҳуқуқини таъминлаш лозим.

Қўлланилган эҳтиёт чораси туридан қатъи назар, маҳкумнинг апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши деб баҳоланади ва апелляция инстанцияси суди ажрими ёки ҳукмининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

12. ЖПК 497¹⁶-моддаси биринчи қисмида апелляция суди мажлисида иштирок этиши шарт бўлган тарафлар назарда тутилган. Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди ҳар бир иш бўйича уларни суд мажлиси жойи, санаси ва вақти тўғрисида олдиндан хабардор этиш чораларини кўриши шарт.

Прокурор ёки ҳимоячи суд мажлисига келмай қолган тақдирда жиноят ишини кўриб чиқиш кейинга қолдирилади.

13. Апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга жиноят процесси иштирокчилари доираси қонунда белгиланган (ЖПК 497¹⁵-моддаси биринчи қисми 2-банди).

Апелляция инстанцияси судида ишнинг кўрилиш жойи, санаси ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги жиноят ишини кўриш учун тўсқинлик қилмайди, суд мажлисида иштирок этиши шарт бўлган шахслар бундан мустасно.

14. Апелляция инстанцияси суди ҳолислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбу-

рийтларини амалга ошириши учун зарур шароит яратиб бериши шарт.

ЖПК 497¹⁷-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида жиноят иши биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича, ЖПК 55-бобида назарда тутилган қоидалар инобатга олинган ҳолда қўрилади.

15. ЖПК 497²⁵-моддасига мувофиқ, суд жиноят ишини апелляция тартибида қўришда апелляция шикоят, протести вазлари билан чегараланмасдан, суд қарорлари қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини барча маҳкумларга, шу жумладан, апелляция шикояти бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят, протест берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади. Бирок, агар бу маҳкум (оқланган шахс) аҳволининг оғирлашувига олиб келса, прокурор протести ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикояти бўлмаган ҳолларда, суд шикоят (протест)да келтирилган вазлар доирасидан четга чиқишга, шунингдек, апелляция шикояти бермаган маҳкумлар (оқланган шахслар)га нисбатан ишни қўришга ҳақли эмас (ЖПК 497²⁹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари).

Агар биринчи инстанция суди томонидан суд терговининг тўлиқ эмаслигига ёки бир ёқламалигига ёхуд процессуал бузилишларга йўл қўйилган бўлса, апелляция инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман суд терговини ўтказиш йўли билан бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш, процессуал бузилишларни бартараф этиш чораларини кўради. Шу мақсадда апелляция инстанцияси суди иш ҳолатлари тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб чиқиш иш таъминлаш учун зарур бўлган, ЖПК 497²⁵-моддаси учинчи қисми 1-7-бандларида назарда тутилган ҳаракатларни бажаришга ҳақли.

Апелляция инстанцияси суди тарафларнинг илтимосномаларини (янги гувоҳлар-

ни сўроқ қилиш, экспертизалар ўтказиш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва бошқалар ҳақида), улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабаблигина, рад этишга ҳақли эмас. Зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус кўрсатиши лозим.

ЖПК 497²⁵-моддасига мувофиқ, қўшимча материаллар суд томонидан тергов органларига муайян тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида топшириқ бериш йўли билан ҳам олинishi мумкин. Бу ҳақда апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради, ишнинг муҳокамаси эса кейинга қолдирилади.

Апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилиш чоғида биринчи инстанция суди томонидан текширилган далилларни ҳам, апелляция инстанцияси судига тарафлар томонидан тақдим этилган ёки у томонидан талаб қилиб олинган ва текшириб чиқилган янги далилларни ҳам эътиборга олади.

16. Апелляция шикоятида (протестида) процесс иштирокчиларининг суд мажлиси баённомасида қайд этилган кўрсатувлари уларнинг биринчи инстанция судида аслида берган кўрсатувларига мос эмаслиги тўғрисида келтирилган вазлар бу шахсларни апелляция инстанцияси суди мажлисида сўроқ қилиш йўли билан текширилиши мумкин.

17. Апелляция инстанцияси судида тарафлар музокаралари ЖПК 449-моддаси қоидаларига мувофиқ ўтказилади, бироқ бунда шикоят (протест) берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Иш бўйича бир неча апелляция шикояти (протести) мавжуд бўлганда, биринчи бўлиб айблов тарафига тегишли процесс иштирокчилари сўзга чиқади.

18. Қонунга кўра, апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этаётган маҳкумга охириги сўз берилмаслиги жиноят-процессуал қонунининг жиддий

бузилиши саналади ва апелляция ҳукми ёки ажримнинг бекор бўлишига сабаб бўлади.

19. ЖПК 497²⁹-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди жазони кучайтиришга, шунингдек, унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга фақат шу асосларга кўра жабрланувчи ёки унинг вакили томонидан шикоят берилган ёхуд прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ҳақли.

Апелляция инстанцияси суди фақат прокурор томонидан протест билдирилган, жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан шикоят берилган ҳоллардагина оқлов ҳукмини бекор қилиб, айблов ҳукми чиқаришга ҳақли.

Агар ишни кўриш вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, апелляция инстанцияси суди янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади (ЖПК 416-моддаси биринчи қисми).

Агар ишни кўриш вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, апелляция инстанцияси суди жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади (ЖПК 417-моддаси биринчи қисми).

Агар жиноят ишини апелляция тартибида кўриш чоғида ЖПК 416-моддаси иккинчи – бешинчи қисмларида, ЖПК 417-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд прокурорнинг, жабрланувчининг, унинг вакилининг, маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг илтимосномасига кўра, судланувчини янги айблов бўйича

жиноий жавобгарликка тортиш ёки бошқа шахсни иш бўйича айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқаради ва унинг ижросини айблов далолатномаси ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ижро муддатини бир ойгача доирада кўрсатган ҳолда топширади. Бунда кўрилаётган жиноят иши суднинг иш юритувида қолади.

Бундай илтимоснома киритилмаган, суднинг ажрими ЖПК 416, 417-моддаларида белгиланган муддатда бажарилмаган, прокурорнинг айбловга қўшимча киритиш ёки янги шахсни ишда айбланувчи сифатида иштирок этиш учун жалб этиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси келиб тушган ҳолда, апелляция инстанцияси суди суд муҳокамасини эълон қилинган айблов доирасида ва жиноят ишида мавжуд бўлган далиллар асосида давом эттиради.

Маҳкумга янги айбловнинг қўйилиши ёки янги шахс айбланувчи сифатида ишда иштирок этиш учун жалб этилиши апелляция инстанцияси суди томонидан айблов ҳукми бекор қилинишига ва иш биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилишига асос бўлади.

20. Қандайдир сабабга кўра, айрим маҳкумларга нисбатан қонунда белгиланган муддатда берилган апелляция шикояти (протести) бошқа маҳкумларга нисбатан иш кўрилгандан сўнг келиб тушса ёки ўтказиб юборилган муддат ЖПК 497⁵-моддаси тартибида тикланса ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция шикояти шу маҳкумга нисбатан процесснинг бошқа иштирокчиси томонидан берилган шикоят (протест) кўрилгандан сўнг келиб тушса, апелляция инстанцияси суди ЖПК 497³⁵-моддасида белгиланган қоидаларга риоя қилиши керак.

21. Апелляция инстанцияси суди, агар чиқарилган ҳукм ЖПК 455-моддаси та-

лабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, уни ўзгаришсиз қолдиради.

Ҳукми ўзгаришсиз қолдирганда апелляция инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

ЖПК 533-моддаси биринчи қисми 3-бандида кўрсатилган асос мавжуд бўлганда ҳукмнинг ижросини кечиктиришга; амнистия актини қўллашга.

22. ЖПК 497¹⁹-моддасида ҳукм бекор қилиниши ва ўзгартирилиши учун бир хил асослар белгиланган бўлиб, апелляция инстанцияси суди, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, бу асосларни у ёки бу тарзда қўллаши мумкин.

Ҳукм қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши шарт, агар:

суд тергови тўлиқ бўлмаса ёки бир ёқлама олиб борилган бўлиб, бироқ йўл қўйилган камчиликлар тўлдирилганидан сўнг апелляция инстанцияси суди жиноят квалификациясини ўзгартириш зарурлиги ҳақида хулосага келса;

ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлмай, бироқ апелляция инстанцияси суди уларга маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирамаган ҳолда тегишли баҳо бера олса;

иш бўйича ЖПК нормалари бузилган бўлиб, бироқ уларнинг апелляция инстанциясида бартараф этилиши ҳукми бекор қилишни талаб этмаса;

суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) нормалари нотўғри қўлланилган бўлиб, бироқ апелляция инстанцияси суди бу хатони маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирамаган ҳолда тузатиши мумкин бўлса;

апелляция инстанцияси суди тайинланган жазо енгиллаштирилиши лозим деб ҳисобласа.

23. Апелляция инстанцияси суди ҳукми ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда қуйидагиларга ҳақли:

қилмишни ЖК бошқа моддасига (бир неча моддаларига) қайта квалификация қилишга;

ҳукмдан айбловнинг бир қисмини (айрим эпизодларини) ёки маҳкумнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи белгиларни чиқаришга;

ҳукмдан жиноятларнинг идеал мажмуи тариқасида қилмишни нотўғри баҳолаш туфайли ортиқча эълон қилинган ЖК моддасини чиқаришга;

ЖК 70-72-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, маҳкумни жазодан озод қилишга;

жазо миқдорини ўзгартиришга ва ЖК Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида бошқа енгилроқ ёхуд ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинлашга;

маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирамаган ҳолда ЖК 59 ёки 60-моддасини қўллаб, жазо миқдорини ўзгартиришга;

жиноят натижасида етказилган зарар, шунингдек, маънавий зиённинг компенсацияси миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга, шунингдек, ушбу масала биринчи инстанция суди томонидан ҳал этилмаган ҳолларда, бундай зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга;

маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга ёки ҳукмдан уни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги қарорни чиқаришга;

маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш колониясининг бошқа, шу жумладан, қаттиқроқ турини белгилашга;

ашёвий далиллар, процессуал чиқимлар тўғрисидаги масалаларни ва бошқа масалаларни ҳал этишга.

24. Асосий жазо енгиллаштирилганда, шу жумладан, ЖК 57-моддаси қўлланилганда ҳам, апелляция инстанцияси суди ҳукмнинг қўшимча жазо тайинлаш ҳақидаги қисмини ўзгаришсиз қолдириши мумкин.

25. ЖПК 497²⁹-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари талабларига риоя этган

ҳолда маҳкумнинг қилмишини ЖК бир моддасидан икки ва ундан ортиқ моддаларига қайта квалификация қилганда, апелляция инстанцияси суди ҳукмга тегишли ўзгартиришлар киритиши ва ЖК 59-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлашга ҳақли.

Агар ЖК бир моддаси билан квалификация қилиниши шарт бўлган икки ёки ундан ортиқ қилмиш ЖК бир неча моддаси билан нотўғри квалификация қилинган бўлса, апелляция инстанцияси суди ушбу қилмишларни ЖК тегишли моддасига қайта квалификация қилиб, шу модда бўйича янги жазо белгилашга ҳақли.

26. Биринчи инстанция суди томонидан жазоларни қоплаш принципи (ЖК 59-моддаси иккинчи қисми) нотўғри қўлланилганлиги аниқланганда, апелляция инстанцияси суди жазоларни қўшиш принципига ўтиши мумкин. Бунда янги жазо ҳукм бўйича тайинланган узил-кесил жазо миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

27. Бошқа эпизодлар билан умумий квалификация қилинган бир ёки бир неча эпизод (масалан, бир неча марта пора олганлик) бўйича иш ҳолатлари тўлиқ текширилмаган деб топилганда, агар йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш учун имконият бўлмаса, апелляция инстанцияси суди ҳукмни ўзгартириб, уларни ҳукмдан чиқариши лозим.

Агар маҳкум ЖК турли моддалари бўйича квалификация қилинган бир неча жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган бўлса, апелляция инстанцияси суди ҳукмнинг бир ёки бир неча жиноятга оид қисмини ўзгартириб, ўша маҳкумга нисбатан ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдириши мумкин.

28. Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг ҳукм сўзсиз бекор қилинишига сабаб бўладиган даражада жиддий бузилиши тушунчаси ЖПК 497²²-моддасида

кўрсатилган. Бундай қонун бузилишини аниқлаганда, апелляция инстанцияси суди жиноят иши кимнинг шикоят (протести) га кўра кўрилатганлигидан қатъи назар, йўл қўйилган қонун бузилиши дахл этган барча маҳкумларга нисбатан ҳукмни бекор қилиши шарт.

Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят-процессуал қонуни нормалари жиддий бузилганлигининг аниқланиши апелляция инстанцияси судини шикоят, протестда келтирилган бошқа вазларни ҳам (айбловнинг исботланганлиги, квалификациянинг тўғрилиги, жазонинг адолатлиги тўғрисида ва ҳ.к.) мазмунан кўриб чиқиш ва улар бўйича ажримда тегишли хулоса чиқариш мажбуриятидан озод этмайди.

Жиноят иши бўйича йўл қўйилган жиноят-процессуал қонуни жиддий бузилиши ҳоллари апелляция инстанцияси суди томонидан ҳукм бекор қилиниб, янги ҳукм, шу жумладан, айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилишига ёки ишнинг ЖПК 84-моддасига мувофиқ тугатилишига тўсқинлик қилмайди.

29. Шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи амнистия актига зид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтгандан сўнг жиноят иши қўзғатилган ҳолларда, ҳукм, гарчи унда маҳкум жазодан озод қилинган бўлса-да, бекор қилиниб, иш тугатилиши керак.

Агар апелляция инстанцияси суди маҳкумнинг ҳаракатларини ЖК бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида хулосага келса ва бу модда шахсни жазодан озод этишни назарда тутувчи ёки жазо қўлланилишини истисно этувчи амнистия акти таъсири доирасига тушса, апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди қабул қилиши шарт бўлган қарор чиқариши керак. Маҳкумнинг ҳаракатлари ЖК бошқа моддасига қайта квалификация қилиниб, бу модда бўйича шахс ЖПК 463-моддаси ик-

кинчи қисми 2-банди ҳамда учинчи қисми 2 ва 5-бандларига кўра, жазодан озод қилиниши лозим бўлган ёки унга нисбатан жазо тайинланиши истисно этилган ҳолларда ҳам шундай қарор қабул қилиниши лозим.

30. Агар амнистия акти биринчи инстанция суди томонидан қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўлланилган бўлса, апелляция инстанцияси суди, жабрланувчи ёки унинг вакилининг шикоятти ёки прокурор протести бўлган тақдирда, ҳукми бекор қилади ва янги ҳукм чиқариш орқали амнистия актини қўлламаган ҳолда янги жазо тайинлайди (ЖПК 497²⁹-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари).

Агар апелляция инстанцияси суди амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда тайинланган жазо амнистия акти қўлланилмаган ҳолда ҳам маҳкум учун етарли деб топса, у ҳукмдан амнистия актини қўллаш ҳақидаги хулоса ва қарорни чиқариб, ҳукмда амнистия акти қўлланилган ҳолда тайинланган жазони қолдиришга ҳақли.

31. Апелляция инстанцияси суди маҳкумга нисбатан унга эълон қилинган айблов доирасида жабрланувчи, унинг вакили шикояттида ёки прокурор протестида кўрсатилган асослар бўйича жазони кучайтириш ёки оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаш лозимлиги тўғрисида хулосага келса, биринчи инстанция суди ҳукмини бекор қилади ва янги айблов ҳукми чиқаради. Масалан, шикоят (протест) да фақат маҳкумнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, суд ҳукми жазонинг енгиллиги сабабли бекор қилишга ҳақли эмас.

Ўзга маҳкумлар ёки улар ҳимоячиларининг оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги ёки жазонинг енгиллиги тўғрисидаги шикоятлари ҳукми маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга

бекор қилиш учун сабаб бўла олмайди.

32. Апелляция инстанцияси суди ҳукми бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлганда қуйидагиларга ҳақли:

1) айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқаришга;

2) айблов ҳукмини бекор қилиш ва янги айблов ҳукми чиқаришга;

3) оқлов ҳукмини бекор қилиш ва айблов ҳукми чиқаришга;

4) айблов ҳукмини бекор қилиш ва жиноят ишини тугатишга;

5) ЖПК 416-моддаси ўн иккинчи қисмида ёки 417-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни биринчи инстанция судига юборишга.

Ушбу банднинг 1-3-кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда апелляция инстанцияси суди апелляция ҳукмини чиқаради.

33. Жиноят-процессуал қонуни мазмунига кўра, ишни хусусий шикоят (протест) бўйича кўрганда апелляция инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанция суди ажримини ўзгартирмасиз, хусусий шикоятни (протестни) эса, қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни умумий асосларда дастлабки тергов ўтказиш учун прокурорга юборишга;

4) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва амнистия актини қўллашга;

5) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни тугатишга;

6) биринчи инстанция суди хусусий ажримини бекор қилишга;

7) биринчи инстанция суди ажримини ўзгартиришга.

Апелляция инстанцияси судининг хусусий шикоят (протест) бўйича чиқарган ажрими узил-кесил ҳисобланади.

34. Судларнинг эътибори шунга қара-

тилсинки, оқлов ҳукмининг оқлов асосларига доир қисми фақат оқланган шахс, унинг ҳимоячиси, қонуний вакилининг шикоятига кўра ўзгартирилиши мумкин (ЖПК 497³⁰-моддаси иккинчи қисми).

Оқлов ҳукми апелляция инстанцияси суди томонидан, фақат, шахснинг асоссиз оқланганлиги тўғрисида жабрланувчи (унинг вакили)нинг шикояти ёки прокурорнинг протести бўлган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Айрим оқланган шахсларга нисбатан шикоят (протест) берилиши бошқа оқланган шахсларга нисбатан ҳукмининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлмайди.

35. Агар маҳкум ўзи ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан апелляция шикояти (протести) берилгандан сўнг, бироқ иш апелляция инстанцияси судида кўрилгунга қадар вафот этса, иш юритиш умумий асосларда давом эттирилади.

Мархумни реабилитация қилиш учун асослар бўлган тақдирда, апелляция инстанцияси суди айблов ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаради, бошқа ҳолларда эса, ҳукми бекор қилиб, ушбу шахсга нисбатан жиноят ишини ЖПК 84-моддаси биринчи қисми 3-бандига мувофиқ тугатади.

Иш тугатилганда ашёвий далиллар тақдири ҳақидаги масала ЖПК 211-моддасига мувофиқ, уларнинг тегишлилиги тўғрисида низо келиб чиққанда эса - фуқаролик иш юритув тартибида кўрилиши мумкин. Мархумнинг ҳаракатлари билан етказилган зарарни ундириш масаласи ҳам жабрланувчи ёки прокурор томонидан мархумнинг ворисларига ёки унинг мулкини бошқариш ҳуқуқини ўзига олган шахсга нисбатан кўзғатилган даъво бўйича фуқаролик иш юритув тартибида кўрилади.

36. Апелляция инстанцияси судининг ҳукми ва ажрими ЖПК 497³¹-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши, жумладан, унда апелляция шикояти (протести)да келтирилган ҳар бир важ муҳокама эти-

либ, унинг асослилиги ёки асоссизлиги юзасидан хулосалар баён этилиши шарт.

Апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими у эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва биринчи инстанция суди томонидан иш апелляция инстанцияси судидан келиб тушган кундан эътиборан уч сутка ичида ижрога қаратилади.

37. ЖПК 298-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов юритилган ёки суд муҳокамаси вақтида қонун бузилишига йўл қўйилганлигини аниқлаган тақдирда, апелляция инстанцияси суди хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли орган ёки мансабдор шахснинг эътиборини бунга жалб этиши мумкин.

Суд қарори ўзгаришсиз қолдирилганда, апелляция инстанцияси суди унинг қонунийлиги ва асослилигини шубҳа остига олувчи хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эмас.

38. Одил судлов сифатини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга ишларнинг апелляция инстанциясида синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилиши учун қонунда берилган барча имкониятлардан фойдаланиш тавсия этилсин.

39. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида» 2018 йил 24 августдаги 25-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси
И. АЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

СУДЛАР ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

2021 йил 20 апрель

15-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги ҳамда қонун нормаларининг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, маъмурий ишни апелляция тартибида қайта кўриш суд процесси иштирокчиларининг суд ҳужжатининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш ҳуқуқини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 200-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида иш юритиш: аризачи, жавобгар, учинчи шахс, уларнинг вакиллари шикоятчи;

тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислари шикоятчи;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг шикояти бўйича, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно;

ишда аризачи сифатида қатнашган давлат органлари ва бошқа шахсларнинг аризаси бўйича (МСИЮтК 47-моддаси биринчи қисми);

прокурорнинг протести бўйича қўзғатилади.

Апелляция тартибида иш юритиш, шунингдек, МСИЮтК 200-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахснинг шикояти бўйича ҳам қўзғатилиши мумкин. Ушбу шахс суд ҳужжатида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам, унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, шу жумладан, адвокат, агар бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлсагина, суд ҳужжати устидан апелляция тартибида шикоят қилишга ҳақли (МСИЮтК 62-моддаси иккинчи қисми).

Суднинг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

3. Қонунга мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида (МСИЮтК 203-моддаси), муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги суднинг қарори устидан эса, у чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида (МСИЮтК 193-моддаси) берилиши мумкин.

Апелляция шикоят (протести) бериш муддати ўтишининг бошланиши ҳал қилув қарори қабул қилинган куннинг эртасидан ҳисобланади (МСИЮтК 116-моддаси).

4. МСИЮтК 203-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимосномаси бўйича шикоят (протест) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари узрли деб топилган бўлса, апелляция инстанцияси суди томонидан тикланилиши мумкин. Суд апелляция шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ёки рад қилиш тўғрисида бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда ажрим чиқаради.

Муддатни тиклаш рад этилган ҳолда ажримда апелляция шикоятини беришда тўланган давлат божининг қайтарилиши назарда тутилиши лозим (МСИЮтК 209-моддаси).

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан МСИЮтК 120-моддаси учинчи қисмига кўра, кассация шикояти (протести) берилиши мумкин.

5. МСИЮтК 202-моддасига кўра, апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси судига йўлланади, аммо ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади.

Биринчи инстанция суди ҳар бир шикоятни (протестни) келиб тушган санасини кўрсатган ҳолда рўйхатга олиши ҳамда шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги иш бўйича эса, 24 соат ичида апелляция инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

Биринчи инстанция судига апелляция шикоятига алоқадор қўшимча ҳужжатлар ёки бошқа шахслардан апелляция шикояти келиб тушганда, улар ҳам апелляция инстанцияси судига юборилиши лозим.

6. Судларга тушунтирилсинки, қонунда апелляция тартибида иш юритиш предмети бўйича муайян истиснолар белгиланган. Жумладан, қонунда шикоят қилиниши назарда тутилмаган ёки ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилмайдиган ажримлар устидан (масалан, аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш тўғрисидаги ажримлар, биринчи инстанция суди муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажримлар) апелляция тартибида шикоят (протест) берилмайди.

7. МСИЮтК 204-моддасида апелляция шикоятининг (протестининг) шакли ва мазмунига доир талаблар белгиланган. Шу муносабат билан апелляция инстанцияси суди уни берган шахс томонидан ушбу талабларга риоя қилинганлигини текшириши шарт.

МСИЮтК 204 ва 206-моддалари талабларига жавоб бермайдиган шикоят (протест) қайтариш асослари кўрсатилган ҳолда МСИЮтК 210-моддасига мувофиқ, судьянинг ажрими билан қайтарилади.

8. Иш апелляция инстанцияси судида кўриляётган вақтда суд ҳужжатиغا нисбатан ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан шикоят (протест) келиб тушганда у дастлаб қабул қилинган шикоят (протест) билан бирга кўриб чиқилади.

9. МСИЮтК 216-моддасига кўра, апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар апелляция шикояти берган шахс шикоятдан воз кечишга, протест келтирган прокурор ва юқори турувчи прокурор протестни чақириб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечиш (протестни чақириб олиш)ни қабул қилиш масаласи апелляция инстанцияси суди томонидан шикоят (протест)ни кўриш учун тайинланган суд мажлисида ҳал қилинади, бунда шахснинг шикоятдан воз кечиш (протестни чақириб олиш) ваколоти текширилиши зарур. МСИЮтК 62-моддаси мазмунига кўра, ишончномада вакилга берилган биринчи инстанция судининг ҳужжатиغا

нисбатан шикоят келтириш ҳуқуқи, агар ишончномада бошқача ҳолат махсус кўрсатилмаган бўлса, унга шикоятдан воз кечиш ҳуқуқини бермайди.

Шикоятдан воз кечилганда (протест чақириб олинганда) суд апелляция тартибида иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради ва ажрим чиқарилган пайтдан қонуний кучга киради. Шикоятдан воз кечилиши (протестнинг чақириб олиниши) ишни бошқа апелляция шикоятига (протестига) асосан кўриб чиқишни давом эттиришга тўсқинлик қилмайди.

10. Ишда иштирок этувчи шахсларни ишни шикоят (протест) бўйича апелляция инстанцияси судида кўриш вақти ва жойи тўғрисида суд томонидан хабардор қилиниши мажбурий эканлиги қонунда белгиланганлиги сабабли ушбу талабларни бажармаслик ишни кўришни кейинга қолдиришга сабаб бўлади.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахслар иш кўрилиши ҳақида тегишлича хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган тақдирда ҳам, агар улардан бирортасининг келмаганлик сабабини узрли деб топса, суд муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли ва бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқаради.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлик сабаблари узрсиз деб топилган тақдирда, шунингдек, келмаганлик сабаблари ҳақида маълумотлар ва бу сабабларни узрли эканлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмаганда, апелляция инстанцияси суди шикоят (протест) бўйича ишни уларнинг иштирокисиз кўришга ҳақли, бундан жамият ёки давлат манфаатларини кўзлаб кўзгатирилган ишлар бўйича прокурорнинг келмаганлиги мустасно.

11. МСИЮтК 43-моддасига кўра, процессуал ҳуқуқий ворислик маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, апелляция инстанцияси суди тарафларнинг бири, учинчи

шахс низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил қилиниши ва ҳ.к.), бундай шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл кўяди ҳамда уларга ишга доир барча материаллар билан танишишга имкон беради. Ҳуқуқий вориснинг суд процессига киришганлиги ҳақида апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради.

12. Апелляция инстанцияси судининг эътибори ишни апелляция шикояти (протести) бўйича кўришда МСИЮтК 218-моддасида белгиланган муддатга рию қилиниши лозимлигига қаратилсин.

Апелляция шикояти (протести) бўйича ишни кўриш муддати алоҳида ҳолларда (масалан, бир нечта талабларнинг битта иш юритишга бирлаштирилганда, суд процесси иштирокчиларининг кўплигида, кўшимча далилларни талаб қилиб олиш ва уларни текшириш, ишга мутахассисларни жалб қилиш, суд топшириқларини юбориш зарурлигида ва ҳ.к.) суд раиси томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин (МСИЮтК 218-моддаси иккинчи қисми).

Шу билан бирга муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган қарор устидан берилган апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди томонидан у келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор у қабул қилинган куни ижро этиш учун ички ишлар органи вакилига ва ишда иштирок этган шахсларга топширилади.

13. Қонунга кўра, иш апелляция тартибида кўрилаётганда қуйидагилар аниқланиши лозим:

биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ текширган-текширмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланган-исботланмаганлиги;

ҳал қилув қарори, ажрим, қарорда баён қилинган суд ҳулосаларининг иш ҳолатларига мувофиқлиги;

моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган-бузилмаганлиги, улар тўғри қўлланилган-қўлланилмаганлиги;

биринчи инстанция суди қабул қилган суд ҳужжатларининг қонун талабларига мувофиқлиги.

Апелляция инстанцияси суди МСИЮтК 217-моддасига мувофиқ, суд ҳужжатининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўлиқ ҳажмда текширади.

Суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириш деганда, шикоят (протест) важларидан қатъи назар, ишда иштирок этувчи шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланганлигини, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини текширишни тушунмоқ лозим.

14. Апелляция инстанцияси суди ҳолислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун зарур шароитлар яратиб бериши шарт.

Апелляция инстанцияси судида ишнинг кўрилиши коллегиял тарзда уч нафар судьядан иборат таркибда МСИЮтК 26-бобида назарда тутилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари асосида амалга оширилади. Бунда дастлаб шикоят берган шахс ва унинг вакилининг тушунтириши тингланади.

Суд ҳужжати устидан ҳар иккала тараф шикоят келтирган ҳолда, биринчи бўлиб

аризачи ва унинг вакили сўзга чиқади. Иш прокурорнинг протести асосида кўрилатганда прокурор биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларининг тушунтиришида шикоят (протест)да кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтириши эшитилганидан кейин, апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) қиради.

15. Шунинг назарда тутиш лозимки, апелляция инстанцияси суди ҳар қандай далилларни, улар биринчи инстанция суди муҳокамасида бўлганлигидан ва янгидан тақдим этилганлигидан қатъи назар, текширишга ҳақли.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг экспертиза ўтказиш, далилларни таъминлаш ва талаб қилиб олиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ҳақидаги ва бошқа илтимосномаларини улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабабли рад этишга ҳақли эмас. Апелляция инстанцияси суди ишни тўғри ҳал қилиш мақсадида ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олиши ёки тегишли суд экспертизасини тайинлаши мумкин (МСИЮтК 68, 79-моддалари).

Далиллар биринчи инстанция суди учун белгиланган қоидалар бўйича текширилади.

16. Судларнинг эътибори биринчи инстанция судида арз қилинмаган янги талаб апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилиниши ва кўрилиши мумкин эмаслигига қаратилсин.

17. Апелляция инстанцияси суди томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш МСИЮтК 9-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда амалга оширилади.

Апелляция инстанцияси суди иш юритиш тикланганлиги тўғрисида ажрим

чиқаради ва ишда иштирок этувчи шахсларни иш кўриладиган кун тўғрисида хабардор қилади.

18. Апелляция инстанцияси суди шикоят (протест) бўйича ишни кўриш натижалари юзасидан қарор чиқаради.

Апелляция инстанцияси судининг эътибори шикоят (протест)да келтирилган ҳар бир ваҳиди, унинг асосли ёки асоссиз эканлиги ҳақидаги хулосани қарорда кўрсатган ҳолда муҳокама қилиш зарурлигига қаратилсин.

Шуни назарда тутиш лозимки, асослан-тирилган қарор тузилиши кейинга қолдирилганда ва суд мажлисида унинг хулоса қисми эълон қилинганда, апелляция инстанцияси судида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослан-тирилган қарор билан қачон танишиши мумкинлигини тушунтириши лозим.

Апелляция инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида ишни шикоят (протест) бўйича кўриш натижалари тўғрисидаги хулосалар бўлиши, зарур бўлганда эса, суд харажатларининг тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси суди қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттирганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириши шарт.

19. МСИЮтК 220-моддасига мувофиқ, суд ҳужжатини апелляция тартибида бекор қилишга ёки ўзгартиришга қуйидагилар асос бўлади:

1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) ҳал қилув қароридан баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

20. Моддий ҳуқуқ нормаларининг бу-

зилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги деганда, биринчи инстанция суди томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланилмаганлиги ёхуд қўлланилиши лозим бўлмаган қонун ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланилганлиги, қонуннинг ёки бошқа қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги тушунилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги ишнинг нотўғри ҳал этилишига олиб келган бўлсагина, ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни бекор қилишга асос бўлади.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қонунда процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги оқибатида ҳар қандай ҳолда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асослар назарда тутилган (МСИЮтК 220-моддаси тўртинчи қисми).

21. МСИЮтК 219-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди қуйидагиларга:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга;

3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

4) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани (шикоятни) тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

22. Апелляция инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаб, қонуний ҳамда асосли суд ҳужжати чиқарган, деган хулосага келса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни ўзгаришсиз, шикоят (протест)ни эса қаноатлан-тирмасдан қолдиради.

Апелляция инстанцияси судининг қарорида шикоят (протест) важлари нотўғри ва суд ҳужжатининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига асос бўлмайди, деб топилганлиги сабаблари кўрсатиб ўтилиши лозим.

23. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, апелляция инстанцияси суди томонидан ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилишига биринчи инстанция суди томонидан ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган тақдирдагина йўл қўйилади.

МСИЮтК 220-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда (МСИЮтК 220-моддаси тўртинчи қисми 4-банди бундан мустасно) ҳал қилув қарори бекор қилинади ва аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган процессуал қонун бузилишларини бартараф қилган ҳолда янги қарор қабул қилинади.

24. Апелляция инстанцияси суди арз қилинган талаб доирасида мавжуд ва қўшимча тақдим қилинган ҳужжатлар (далиллар) асосида иш учун аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлашга ва шундан келиб чиқиб, ўз ваколатлари доирасида қарор қабул қилишга ҳақли.

25. Апелляция инстанцияси суди МСИЮтК 106 ва 108-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлувчи ҳолатлар аниқланган бўлса, ҳақлидир.

26. Шунинг назарда тутиш лозимки, суд харажатларини тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаслиги ёхуд нотўғри ҳал этилиши, ўз-ўзидан суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга ёки ўзгартиришга асос бўлмайди. Бундай ҳолда апелляция инстанцияси суди қарорининг хулоса қисми-

да суд харажатларини МСИЮтК 115-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича янгидан тақсимлаш ҳақида кўрсатилади.

27. Апелляция инстанцияси суди қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда (МСИЮтК 162-164-моддалари):

қарорни тушунтиришга;

қарор ёзувида йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни тузатишга;

қўшимча қарор чиқаришга ҳақли.

Ушбу масалалар суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилган ҳолда кўрилади. Бироқ, мазкур шахсларнинг келмаганлиги ушбу масалаларни ҳал этиш учун тўсқинлик қилмайди.

28. МСИЮтК 173, 223-моддаларига мувофиқ, шикоят қилиниши (протест келтирилиши) қонунда назарда тутилганда, шунингдек, ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган ҳолларда биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция инстанцияси судига шикоят қилиниши мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан апелляция тартибида шикоят (протест) бериш ва кўриш суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

29. МСИЮтК 223-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди шикоятни (протестни) кўриб чиқиб:

1) ажримни ўзгартиришсиз қолдиришга;

2) ажримни ўзгартиришга ёки бекор қилишга;

3) аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги, аризани (шикоятни) қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва аризани (шикоятни) биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли.

Ариза биринчи инстанция судининг иш юритишига қабул қилингандан сўнг чиқарилган ажрим бекор қилинганда (масалан,

аризани кўрмасдан қолдириш, иш юриштишни тугатиш ва ҳ.к.) апелляция инстанцияси суди ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборади.

Биринчи инстанция судининг ажрими бекор қилинган бошқа ҳолларда, апелляция инстанцияси суди устидан шикоят (протест) берилган ажрим чиқарилишига сабаб бўлган (масалан, аризани қайтариш ёки аризани қабул қилишни рад қилишнинг қонунийлиги ёхуд ноқонунийлиги тўғрисидаги) процессуал масалани ўзи мазмунан ҳал қилади.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилади.

30. Ишни кўриш жараёнида апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинган ажримлар устидан МСИЮтКда белгиланган ҳолларда, кассация шикояти (протести) берилиши мумкин.

31. Апелляция инстанцияси суди ишни кўришда давлат органи ёки бошқа орган, ташкилот, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида аниқланган қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари бўйича, уларнинг суд процессида иштирокидан қатъи назар, хусусий ажрим чиқаришга ҳақли.

Агар суд уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у бу ҳақда жиноят ишини кўзғатиш масаласини ҳал этиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилади.

Хусусий ажрим суд мажлисида эълон қилинади ва бу ҳақда баённомада кўрсатилади.

32. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича чиқарилган хусусий ажримнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текширишга ҳамда ушбу ажримнинг чиқарилишида етарлича асослар мавжуд бўлмаган бўлса, уни бекор қилишга ҳақли.

33. МСИЮтК 175-моддаси талабларига

мувофиқ, апелляция инстанцияси судининг ҳар бир мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида амалга оширилган процессуал ҳаракат ҳақида баённома тузилади.

Суд процесси иштирокчилари суд мажлисининг баённомаси билан МСИЮтК 177-моддасида белгиланган тартиб ва муддатларда танишиб чиқишга ҳақли. Суд мажлисининг баённомасига берилган ёзма фикр-мулоҳазалар суд таркиби томонидан улар берилган кундан кейин беш кун ичида суд процесси иштирокчиларини чақирмасдан кўриб чиқилади.


34. Шикоят апелляция инстанцияси судига иш бошқа шикоятлар (протест) бўйича кўрилгандан сўнг келиб тушган ҳолда, мазкур апелляция шикоятини берган шахсга суд ҳужжатлари устидан кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

35. Маъмурий ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига ишларни апелляция тартибида кўриш бўйича суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириш тавсия этилсин.

36. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги «Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги 36-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К.КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси
И.АЛИМОВ



ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРИ СИФАТИДА ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш вазифаси қўйилган. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини оширишни назарда тутган ҳолда 2018 – 2021 йилларга мўлжалланган Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган. Бундан ташқари, янги таҳрирда қабул қилинадиган жиноят қонунчилигида ҳам жинойий жазоларни либераллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жинойий жазони қўлламасдан туриб, маҳкумни тарбиялаш мақсади илгари сурилмоқда ҳамда унинг қонуний асослари такомиллаштирилмоқда.

Шартли ҳукм қилиш айбдорни жазодан озод қилишнинг алоҳида шакли сифатида миллий жиноят қонунчида белгиланган.

Б. В. Здравомыслов «шартли ҳукм қилиш» тушунчаси мазмунини очиб берадиган ягона универсал қараш мавжуд эмаслигини ўринли қайд этади¹. Шунингдек, жиноят ҳуқуқи назариясида шартли ҳукм қилиш жазони ижро этишни кечиктириш², жазо қўллашнинг алоҳида тартиби³, жиноят-ҳуқуқий чора⁴, жазо тури⁵, жазодан озод қилиш тури⁶, жазони ўташнинг алоҳида тартиби⁷ ва бошқа шаклларда тушунилади.

Маълумки, суд айблов ҳукмини чиқараётганда айбдор шахс «шартли» ҳукм қилинмайди, қоида тариқасида, доим ҳукм эълон қилиниб, жазо тайинланади. Шундан сўнг маҳкумга нисбатан жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқарилади. Бунда шартли ҳукм қилиш моҳияти суднинг айблов ҳукмини чиқариб, маҳкумга муайян жазо турини тайинлаш ва унинг ҳажмини белгилаш, бироқ тайинланган жазони шартли ҳисоблашида ифодаланади.

С. Ф. Мильков фикрига кўра, шартли ҳукм қилиш юридик жиҳатдан жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланган ҳолда, тобора реал жазога айланиб бормоқда, чунки у расмий статистикада жазо турлари билан бир қаторда кўрсатилади⁸. Дарҳақиқат, жазо сингари шартли ҳукм қилиш ҳам фақат суд ҳукмига биноан тайинланадиган ва жазога хос бўлган муайян ҳуқуқий чеклашлар, масалан, судланганлик ҳолати билан боғлиқ давлат мажбурлови чораси ҳисобланади. Шартли ҳукм қилишни қўллаш жазо билан айна бир мақсадни кўзлайди.

Ю. А. Бурканов фикрига кўра, жазода ҳуқуқий чеклашлар мажмуи бевосита хусусият касб этади, шартли ҳукм қилишда эса у, биринчи навбатда, тарбиявий таъсир кўрсатиш билан алмаштирилган, жазо унсури эса потенциал хусусиятга эга, чунки у маҳкум жазони ўташдан озод қилиш шартларини бузган ҳолда амалга киради ва қоида эмас, балки истисно ҳолат ҳисобланади⁹.

Аксарият ҳуқуқшунослар шартли ҳукм қилиш – бу жазони реал ўташдан шартли равишда озод қилиш, деган нуқтаи назарга қўшилади¹⁰. Таҳлил қилинаётган институтни бундай тушуниш унинг моҳиятини тўғрироқ ёритиш имконини беради, чунки қонундан англашилишича, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 72-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган чоралардан бирини тайинлагач, маҳкум жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини тузатиш мумкин, деган хулосага келиши лозим ва бу ҳолда у тайинланган жазони шартли деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бунда шартли ҳукм қилишни қўллаш асосларини таҳлил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Жиноят қонунига кўра, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Жиноят ҳуқуқини қўллаш амалиёти шартли ҳукм қилишнинг ягона асоси – суд маҳкум тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келишида кўринади. Бироқ, айрим олимлар шартли ҳукм қилишни қўллаш имкониятини судья объектив омилларни ҳисобга олмасдан, ўз ихтиёрига кўра ҳал қилиши қонунсизлик экани ва суднинг ўзбошимчалигига олиб келиши муқаррарлигини таъкидлайди¹¹. Негаки, шартли ҳукм қилишни қўллашда суднинг аҳамиятини ҳисобга олмаслик мумкин эмас, чунки жиноятчини ахлоқан тузатиш ва ижтимоий адолатни тиклаш мақсадларига тўла мос келадиган жиноят-ҳуқуқий таъ-

сир чорасини танлаш тўғрисидаги масалани айнан у ҳал қилади. Бироқ, бунда судьянинг ўз ихтиёрига кўра иш кўриш имкониятини устун қўйиш мумкин эмас. Бу асосий ҳуқуқий принцип – қонунийликнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин¹². А.В.Бриллиантов ҳам шунга ўхшаган фикрни илгари суради: у шартли ҳукм қилишни қўллашни икки асос – суд томонидан тайинланган жазо тури ва маҳкумнинг хулқини у жазони ўтамасдан туриб ҳам тузатиш мумкинлиги билан боғлайди¹³. Бу фикрга ҳам қўшилиш қийин, чунки ЖКнинг 72-моддасида назарда тутилган асосий жазо турларидан бирининг тайинланиши ўз-ўзича шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос бўла олмайди. Бизнингча, айни ҳолда фақат шартли ҳукм қилишни қўллаш шарт-шароитлари тўғрисида сўз юритиш мумкин, чунки қонун ЖКнинг 72-моддасида кўрсатилмаган, бироқ ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган бошқа жазо турларини белгилашда мазкур институтни тайинлашни чеклайди.

Ушбу мавзуда тадқиқот олиб борган Г. А. Кригер ва Э. А. Саркисова шартли ҳукм қилишни қўллаш учун қуйидаги икки асос мавжуд бўлиши лозим, деган хулосага келади:

– объектив асос – содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси унча юқори эмаслиги;

– субъектив асос – жиноятчи шахсининг унча хавфли эмаслиги¹⁴.

Аксарият жиноят-ҳуқуқий адабиётларда илгари сурилган фикрга кўра, шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос бўлиб айбдорнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси унча катта эмаслиги¹⁵ хизмат қилади. В. Н. Баландюк шартли ҳукм қилиш фақат суд ишнинг барча ҳолатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида айбдорнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси нисбатан юқори эмас, деган хулосага келган ҳолда қўлланилиши мумкин¹⁶, деб ҳисоблайди.

Албатта, айбдорнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унча юқори эмаслиги суд жазо тайинлашда ва шартли ҳукм қилишни қўллашда инobatга оладиган муҳим омил ҳисобланади. Бироқ, В. А. Ломако тўғри таъкидлаганидек, айбдорнинг ижтимоий хавфлилиги тўғрисидаги масалани у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолаш билан боғламасдан ҳал қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолатдир¹⁷. Бундан ташқари, қонун шартли ҳукм қилишни қўллашда шахснинг ёки (ва) қилмишнинг унча хавфли эмаслигини ҳисобга олишни талаб қилмайди.

Шартли ҳукм қилишда синов муддати ва унинг давомлилиги масаласи ҳам анча мунозарали. Қонунга мувофиқ, суд шартли ҳукм тайинлаш вақтида синов муддатини белгилайди ва шартли ҳукм қилинган шахс ушбу муддат мобайнида ахлоқан тузалганини исбот қилиши лозим. Синов муддатининг моҳияти шу билан белгиланадики, суд томонидан белгиланган вақт мобайнида маҳкум ўзининг ахлоқан тузалганини исботлаши, ўзига юкланган мажбуриятларни виждонан бажариши ва янги жиноят содир этмаслиги керак. Жазо унсурини ўз ичига олувчи шартли ҳукм қилиш суд томонидан тайинланган синов муддатида ҳам ўз ифодасини топади: унинг шартлари асосий жазони ижро этиш таҳдидини ўз ичига олади. Синов шартлари бузилган тақдирда суд тайинланган

асосий жазони амалда қўллаши шарт. Синов муддатининг моҳияти хусусида ҳар хил нуқтаи назарлар мавжуд. М. Ҳ. Рустамбаевнинг қайд этишича, синов муддати вақти мобайнида шартли ҳукм қилинган шахс ўз хулқи билан ўзгарганлигини исботлаши зарур бўлган муайян даврдир. Синов муддати, бегумон, маҳкумнинг тузалиши учун тазйиқ ўтказишни ташкил қилиш ва шартли ҳукм қилишни қўллаш асосли эканлигини текшириш учун кўзда тутилган¹⁸. Синов муддати давомийлигига шартли ҳукмни кузатиб борувчи мажбуриятлар ҳам боғлиқ (муайян мажбуриятлар, судланганлик ҳолати, ҳуқуқбузарлик содир этилганда шартли ҳукм реал жазога алмаштирилиши мумкин ва шартли ҳукм муддати даврида содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда ЖКнинг 60-моддасига асосан шартли тайинланган жазо қисман ёки тўла қўшиш йўли билан суд томонидан амалга оширилади).

Аксарият ҳуқуқшунослар фикрига кўра, синов муддати даврида маҳкумнинг ахлоқан тузалганлиги текширилади¹⁹. С. Н. Сабанин синов муддати жазодан озод қилинган шахс давлат мажбуриятлари чораларини қўлламасдан ахлоқан тузалиш-тузалмаслигини ёки у амалда тузалган-тузалмаганини текшириш учун белгиланади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, синов муддати – бу шундай бир даврки, унинг мобайнида жазодан

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф шартли ҳукм қилиш институти, унга оид умумий тавсиф ва мулоҳазалар, мазкур институт юзасидан баҳс-мунозараларни, уни қўллаш билан боғлиқ у ёки бу муаммоларга нисбатан нуқтаи назарларни баён этган, шартли ҳукм қилишнинг юридик моҳиятини тавсифлашга нисбатан турли ёндашувларни таҳлил қилган.

Калим сўзлар: шартли ҳукм қилиш, синов муддати, либераллаштириш, жазодан кўзланган мақсад, дифференциация, рағбатлантириш.

озод қилинган шахс билан тарбиявий иш олиб борилиши лозим. Лўнда қилиб айтганда, синов муддати айбдорлар ахлоқан тузалиши учун белгиланган вақтдир²⁰. Бизнингча, бу фикрга кўшилиш қийин, чунки, биринчидан, қонун синов муддати даврида маҳкум ўзининг ахлоқан тузалганини исбот қилишини талаб этади, иккинчидан, синов муддатининг ўтиши ва шартлари шартли ҳукм қилингандан суд унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришни тақозо қилади ва улар, ўз навбатида, давлат мажбурлови чораларини ўз ичига олади.

Бироқ, ЖК 72-моддасининг матнидан синов муддати суд айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келган ҳолда белгиланади. Синов муддати даврида шартли ҳукм қилинган шахс ўз хулқ-атвори билан жазонинг мақсадларига уни амалда қўллагандан ҳам эришилганини исбот қилиши лозим, бунда шартли ҳукм қилишни тайинлашнинг асослилигини текшириш шартли ҳукм қилинганга юкланган мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Таҳлил этилаётган шартли ҳукмнинг синов муддати мобайнида маҳкумга нисбатан кўйиладиган талаблар масаласи ҳам баҳсли ҳисобланади. ЖКнинг 72-моддасига мувофиқ, шахсга шартли ҳукм тайинлашда суд томонидан белгиланган синов муддатининг давомлилиги, пировард натижада, маҳкумнинг ахлоқан тузалиш даражасига боғлиқ бўлади. Бироқ, бу ерда синов муддатининг ўзи эмас, балки унинг давлат мажбурлови чоралари сифатида амал қилиб, шартли ҳукм қилинганнинг ахлоқан тузалиши ва ижтимоий адолатни тиклаш мақсадларини амалга оширишга кўмаклашадиган шартлари рўйхати муҳимдир.

Илгари шартли ҳукм қилинган шахс-

нинг зиммасига муайян мажбуриятлар юклашга фақат ҳукмнинг ижроси 1959 йилги ЖКнинг 44¹-моддасида назарда тутилган тартибда кечиктирилган ҳолда йўл қўйилар эди. Эндиликда, ЖКнинг 72-моддасига мувофиқ, суд, шартли ҳукм қилишни тайинлар экан, айбдорга муайян мажбуриятларни бажаришни юклаши мумкин:

- 1) муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш;
- 2) ишга ёки ўқишга кириш;
- 3) яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериб туриш;
- 4) вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш;
- 5) муайян жойларда бўлмаслик;
- 6) муайян вақтда яшаш жойида бўлиш;
- 7) алкоғолизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ ва бошқалар.

Ушбу шартлар ижтимоий хавфли қилмишнинг хусусиятидан ҳамда тайинланган жиноий жазонинг туридан келиб чиқиб белгиланади.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, шартли равишда тайинланадиган жазолар рўйхатини кенгайтириш маҳкумга унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жиддий чеклагандан ахлоқан тузалиш имконини беради, шу тариқа жазонинг мақсадларига, шу жумладан, жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш мақсадларига эришиш учун имконият яратади. Шу жиҳатдан, бизнингча, шартли ҳукм қилишни жиноят қонунининг бошқа институтлари билан мувофиқлаштирган ҳолда унинг қўллаш асосларини кенгайтириш лозим.

Бундан ташқари, жиноят қонунини қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун синов муддати миқдорини дифферен-

цияция қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шартли ҳукм қилиш рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, жиний жазоларни либераллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш тариқаси-

даги жиний жазони қўлламасдан туриб, маҳкумни тарбиялашнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Э. ТУРГУНБОЕВ,
ТДЮУ мустақил изланувчиси,
юримдик фанлар номзоди**

¹ Уголовное право. Общая часть / Учебник под ред. Здравомыслова Б.В. – М.: Юристъ, 2000. – С. 397.

² Анашкин Г.З., Вышинская З.А., Минская В.С. Условное осуждение и практика его применения. – М., 1991. – С. 11.

³ Бриллиантов А.В., Потемкина А.Г., Ружников А.Н. Исполнение условного осуждения и условного освобождения с обязательным привлечением к труду. – М., 1992. – С. 11.

⁴ Ўзбекистон юримдик энциклопедияси. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. 524-б.

⁵ Карпец И.И. Индивидуализация наказания. – М., 1991. – С. 27.; Ретюнский И.С. Уголовная ответственность и ее реализация. – Воронеж, 1993. – С. 56.

⁶ Усмоналиев М. Ҳозирги замон жинийт ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. 265-б.; Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жинийт ҳуқуқи курси. Т.2. Жазо тўғрисида таълимот. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011. –Б. 189.; Ружников А.Н. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. – М., 1994. – С. 6.

⁷ Шаргородский М.Д. Вина и наказание в уголовном праве. – М., 1995. – С. 8.

⁸ Милоков С.Ф. Российская система наказаний. – СПб., 1998. – С. 44.

⁹ Бурканов Ю.А. Юримдик природи ва имконияти расширения применения института условного осуждения. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 1998. – С. 54.

¹⁰ Курченко В.Н. Уголовно-правовые и криминалогические аспекты условного осуждения. Автореф. дисс. ...канд. юрим. наук. – Свердловск, 1997. – С. 8.

¹¹ Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрим. наук. – Казань, 2000. – С. 73.

¹² Сахаров А.Б. Планирование уголовной политики и перспективы развития уголовного законодательства. – М., 1992. – С. 10-11.

¹³ Бриллиантов А.В. О некоторых аспектах дифференциации наказания. – М., 2000. – С. 101.

¹⁴ Кригер Г.А. Условное осуждение и роль общественности в его применении. – М., 2003. – С. 20.

¹⁵ Сабанин С.Н. Справедливость освобождения от уголовного наказания. – Екатеринбург, 2005. – С. 115-116.

¹⁶ Баландюк В.Н. Некоторые вопросы практики применения условного осуждения. – Омск 2016. – С. 134.

¹⁷ Ломако В.А. Условное осуждение. – Харьков, 2012. – С. 15.

¹⁸ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жинийт ҳуқуқи курси. Т.2. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Дарслик. – Тошкент: ЎРМГҲТИ, 2017. 192-б.

¹⁹ Кригер Г.А. Условное осуждение и роль общественности в его применении. – М., 2003. – С. 73.; Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодательный, теоретический и правоприменительный аспекты. Дисс. ...канд. юрим. наук. – Краснодар, 2001. – С. 109.

²⁰ Сабанин С.Н. Справедливость освобождения от уголовного наказания. – Екатеринбург, 1993. – С. 118-119.

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШЛАРНИ КРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Сўнгги йилларда дунёда терроризм билан боғлиқ жиноятлар трансмилий ва трансчегаравий хусусият касб этиб, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси кескин ошиб бормоқда. Хусусан, 2018–2019 йилларда дунёнинг 80 дан зиёд мамлакати ҳудудида 5 мингдан ортиқ террористик ҳаракатлар содир этилиб, уларнинг оқибатида 30 мингдан кўпроқ инсон ҳалок бўлган ёки жароҳатланган¹. Терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасида дунё мамлакатлари томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, мазкур турдаги жиноятлар кенг тарқалмоқда. Жаҳон ҳамжамияти бундай тажовузларга етарли даражада қарши кураша олмаётганлиги оқибатида бугунги кунда терроризм умумбашарий муаммога айланди. Шу сабабли, терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик усул ва асосларини такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда ҳамда уларни янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Бу борада терроризм билан боғлиқ айрим ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш масаласи алоҳида тадқиқ этилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш ва кучайтиришни комплекс тарзда амалга ошириш, мазкур турдаги жиноятларнинг доирасини кенгайтириш ёки улар учун белгиланган жавобгарликни янада оғирлаштириш, суд ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, халқаро талабларни ҳисобга олиш асосида амалга оширилиши лозим. Шунингдек, терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жиноят-ҳуқуқий санкция-

ларни белгилашга чуқур ўйланган ҳолда ёндашиш зарур, зеро улар қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолашнинг муҳим асосидир ва шу турдаги бошқа жиноятлар учун жавобгарлик билан мутаносиб бўлиши керак.

Криминализация қилиниши муҳим бўлган жиноятлардан бири сифатида терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир қилишга жалб этишга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Ушбу жиноятнинг бевосита тўғридан-тўғри объекти жамоат хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир, чунки ушбу ҳаракат бутун жамиятнинг кенг доирадаги ҳаётий манфаатларига зарар етказди. Ҳуқуқбузарнинг мотив ва мақсадларига қараб, ушбу жиноятнинг қўшимча объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, эркинлиги, мол-мулки ва бошқалар бўлиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг объектив томони формал таркиблидир, яъни тегишли ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб, ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқшидан қатъи назар, жиноят тугалланган ҳисобланади.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир этишга жалб этиш жинояти шахсни террорчилик ташкилотининг фаолиятида иштирок этишга ундаш, ушбу жиноятларни содир этиш учун одамни қуроллантириш каби усулларда содир этилиши мумкин².

И. О. Кошевой бу борада мазкур жиноятларга қарши самарали курашиш учун ушбу жиноят вояга етмаганларни жалб қилган, террорчилик фаолиятига тайёрлаш ва жалб қилишнинг махсус усул ва воситалардан ёхуд Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳолларни

оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилашни таклиф қилади³.

Шунингдек, адабиётларда террорчилик ҳаракати, биринчи навбатда, жамоатчиликка қарши қаратилганлиги ва оддий одамлар террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали олишлари сабабли, террорчилик ҳаракатларини ёритиш бўйича журналистларнинг ягона ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш таклиф қилинади. Шу билан бирга, журналистлар томонидан террорчилик ҳаракатларини ёритишда чеклов жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асослангайди. Хусусан, журналистларга террорчилик фаолияти билан боғлиқ ҳаракатларни ёритувчи бир қатор тавсиялар таклиф этилади: ҳиссиётларга эмас, балки ҳисоботларда акс этган расмий далилларга асосланиш; суд вазифаларини ўз зиммасига олмаслик ёки томонлардан бирини ҳимоя қилишга уринмаслик; террорчилик ҳаракати тафсилотлари, террорчиларнинг ваҳшийлиги, террорчилик қурбонларининг тавсифи тўғрисида хабар бериш орқали аҳолини ваҳимага солмаслик; қарорлар қабул қилишда, оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш учун масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан маслаҳатлашиш; террорчиларни «қаҳрамонлар, мустақиллик учун курашчилар, исёнчилар, партизанлар, сиёсий қатағонлар қурбонлари ва бошқалар» сифатида намоиш қилмаслик; террорчилик ҳаракати қурбонларини, теракт содир бўлган жойни, ўлдирилганлар ва ярадорларни, террорчилар ва террорчилик қурбонларини кўрсатмаслик; террорчилик ҳаракатини содир этишда гумон қилинаётган ва айбланаётган шахсларга, террорчилар ташкилотига ёлланганларга ва мафкурачиларга эфир вақтини бермаслик; давлат органлари вакилларининг террорчилик ҳаракатларини ёритиш билан боғлиқ талабларига риоя қилиш шулар жумласидандир⁴.

Юқоридагилар билан бир қаторда юридик адабиётларда террорчилик гуруҳи ёки ташкилот тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки аъзо бўлиш учун ҳам алоҳида жиноий

жавобгарлик белгилаш зарурати тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилади.

Террорчилик гуруҳларини тузиш, шунингдек уларга раҳбарлик қилиш ёки улар фаолиятида иштирок этиш учун жиноий жавобгарликка тортиш талаби халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам акс этган. Хусусан, Европа Иттифоқи Кенгашининг 2002 йил 13 июндаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2002/475/JAI) қарорида ушбу ташкилотнинг аъзо давлатларига миллий қонунчиликда қасддан қилинган қуйидаги ҳаракатлар учун жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қатъий норма киритилган: а) террорчилик гуруҳига раҳбарлик қилиш; б) террорчилик гуруҳининг фаолиятида иштирок этиш, шу жумладан, уни ахборот ёки моддий воситалар билан таъминлаш ёки бирон-бир тарзда уни молиялаштириш.

Европа Иттифоқи Кенгашининг 2005 йил 16 майдаги «Терроризмнинг олдини олиш тўғрисида»ги Конвенцияси ҳам уни имзолаган давлатларнинг ички қонунларида, «террорчилик ҳаракатларини ташкил этиш ёки бошқаларга уларни содир этиш ҳақида кўрсатма бериш» каби ҳаракатларни ноқонуний ва қасддан содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортишга чақиради.

Ҳозирги кунда террористик гуруҳларни (ташкилотлар, уюшмалар, жамиятлар) тузиш ёки уларнинг фаолиятида иштирок этиш бўйича алоҳида махсус нормалар белгилаган давлатлар қаторига Германия, Франция, Испания, Италия, Голландия, Португалия, Исроил, Хитой ва бошқаларни қиритишимиз мумкин.

Масалан, Германиянинг Жиноят кодексига биноан (§129а), террорчилик ташкилоти тузиш, Франциянинг Жиноят кодексига (421-2-1-модда) бирор-бир террористик ҳаракатни содир этишга тайёргарлик кўришни мақсад қилган бирон-бир гуруҳ ёки фитна уюштиришда иштирок этиш, Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексига (120-модда) террорчилик ташкилотларни ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш ва фаол иштирок этиш ва бошқалар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур жиноятлар учун алоҳида жавобгарлик, шунингдек айрим МДХ давлатлари қонунларида ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, Грузия Жиноят кодексининг 327-моддасида террорчилик ташкилотини ташкил этиш ёки унга раҳбарлик қилиш (унинг фаолиятида иштирок этганлик) учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қозоғистон Жиноят кодекси 257-моддасининг биринчи қисмида террорчилик гуруҳини ташкил этиш, шунингдек унга раҳбарлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Украина Жиноят кодекси 258-3-моддасининг биринчи қисмида террорчилик гуруҳи ёки террорчилик ташкилотини тузиш, бундай гуруҳ ёки ташкилот фаолиятига раҳбарлик қилиш, унда иштирок этиш, шунингдек террорчилик гуруҳини ташкил этиш ёки унинг фаолиятига ташкилий ёхуд бошқача ёрдамлашиш учун

жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, аксарият хорижий давлатлар жиноят қонунларида террорчилик уюшмаларини тузиш ёки уларда иштирок этишнинг мақсадига алоҳида эътибор қаратилади. Айрим давлатлар қонунчилигида бундай мақсад аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, терроризм ва террорчилик ҳаракатига берилган асосий таърифларда ўз аксини топган. Мазкур уюшмалар, аввало, терроризмни содир этиш мақсадида тузилгани боис, бунда мақсад террорчилик ҳаракати мақсади билан белгиланади. Бундай давлатларга, масалан, Қозоғистон, Хитой ва бошқалар киради.

Бошқа айрим давлатлар қонунчилигида бундай мақсад аниқ белгиланган. Хусусан, Италиянинг Жиноят кодексига террорчилик уюшмасининг бир нечта мақсадлари назарда тутилган – терроризм ҳамда демократия-

АННОТАЦИЯ

Мақолада терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган, терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир этишга жалб этиш ҳамда террорчилик гуруҳи ёки ташкилоти тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки аъзо бўлиш бўйича ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: терроризм, терроризм билан боғлиқ жиноятлар, криминализация қилиш, терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир этишга жалб этиш, террорчилик гуруҳи ёки ташкилоти тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки аъзо бўлиш.

* * *

В статье анализируются вопросы повышения ответственности за преступления, связанные с терроризмом, содержатся предложения о криминализации общественно опасных деяний, связанных с совершением преступлений террористической направленности, созданием, руководством или членством в террористической группе или организации.

Ключевые слова: терроризм, преступления, связанные с терроризмом, криминализировать, участие в преступлениях, связанных с терроризмом, формирование террористической группы или организации, вести это или становиться участником.

* * *

The article analyzes the issues of improving accountability for crimes related to terrorism, contains proposals for the criminalization of socially dangerous acts involving the commission of terrorist-related crimes and the creation, leadership or membership of a terrorist group or organization.

Key words: terrorism, terrorism offenses, criminalize, involvement in terrorist related crimes, forming a terrorist group or organization, to lead it or become a member.

ни ағдариш. Германиянинг Жиноят кодексида ҳам террорчилик уюшмасини тузиш (ёки унда иштирок этиш) мақсади аниқ кўрсатилган – муайян жиноятни содир этиш.

С.П.Тройнов 2004 йилдаёқ жиноят қонунига террорчилик ташкилотини ташкил этганлик учун жавобгарликни киритиш таклифи билан чиққан. Муаллифнинг фикрича, террорчилик ташкилоти жиноий уюшма ташкил этишдан содир этган жиноятларининг хусусияти (характери) билан ажралиб туради. Шубҳасиз, террористик жиноий уюшмаларнинг ижтимоий хавфлилиги тобора кучаймоқда ҳамда уларнинг ташкил этилиши, уларга раҳбарлик қилиш ёки уларнинг фаолиятида иштирок этганлик учун жавобгарлик янада жиддийроқ бўлиши керак⁵. 2006 йилда Р. Ю. Казаков террорчилик гуруҳи ёки террорчилик ташкилотини тузиш, бундай гуруҳ ёки ташкилотга раҳбарлик қилиш учун жиноий жавобгарликни белгилашни таклиф қилди⁶. 2008 йилда эса, В. П. Алехин жиноят қонунчилигига террорчилик гуруҳини ёки террорчилик жамоасини (ташкилотини) ташкил этиш ва уларда иштирок этишга оид алоҳида модда киритишни таклиф қилди⁷.

2009 йилда В.В.Малиновский ва бошқалар террорчилик ташкилоти ва террорчилик фаолиятини ташкил этишни жиноий жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклиф билан чиқишди⁸.

Айни дамда Р. В. Поличной Жиноят кодексига террористик ташкилот фаолиятини ташкил этиш ва унда иштирок этиш учун жавобгарликни мустақил модда сифатида қўшилиши кутилган ва асосли деб ҳисоблайди⁹. Шу билан бирга айрим муаллифлар, аксинча, жиноят қонунига террорчилик ташкилотини (террорчилик уюшмасини) ташкил этганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги мустақил моддани киритиш зарурати йўқлигини асослантирадилар¹⁰.

Халқаро ва хорижий давлат жиноят қонунларида терроризм билан боғлиқ жиноятларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган уюшмалар учун турли номлар қўлланилади. Масалан, Европа Иттифоқи

Кенгашининг 2002 йил 13 июндаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қароридида террорчилик гуруҳи узок вақт давомида ҳаракат қилиш мақсадида тузилган ҳамда террорчилик жиноятларини амалга ошириш учун ҳаракат қилаётган камида икки нафар шахсдан иборат бўлган бирлашма сифатида таърифланади.

Террорчилик гуруҳларини тузиш ва уларга раҳбарлик қилиш ёки уларда иштирок этиш тўғрисидаги махсус қоидалар мавжуд бўлган хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунларида қуйидаги тушунчалар учрайди: «террористик уюшма» (Германия Жиноят кодексининг 129-моддаси) «террорчи ташкилот» (Грузия Жиноят кодексининг 327-моддаси), «террористик гуруҳ» (Қозғистон Жиноят кодексининг 257-моддаси), «терроризм ёки демократияни ағдариш мақсадида зўравонлик ҳаракатларини тайёрлайдиган уюшмалар» (Италия Жиноят кодексининг 270-bis-моддаси), «террористик гуруҳ ёки террорчилик ташкилоти» (Украина Жиноят кодексининг 258-3-моддаси).

М. В. Сипки таъкидлашича, террорчилик ташкилоти деганда, илгари террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун бирлашган барқарор одамлар гуруҳи тушунилади. Террорчилик ташкилотининг таркибий бўлинмаси деганда, террористик фаолиятни амалга оширадиган икки ёки ундан ортиқ шахс (шу жумладан, ушбу гуруҳ раҳбари)дан иборат бўлган функционал ва (ёки) ҳудудий жиҳатдан алоҳида гуруҳ тушунилади. Мазкур таркибий бўлинмалар нафақат алоҳида терроризм билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этишлари, балки террорчилик ташкилоти мавжуд бўлиши ва фаолият кўрсатишини таъминловчи бошқа вазифаларни (масалан, уюшмани қурол, бошқа предметлар билан таъминлаш, тарғибот материалларини тайёрлаш ва тарқатиш, логистика ишини ташкил қилиш, жиноятни содир этиш усулларини ишлаб чиқиш, уюшма аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш ва бошқалар) ҳам бажаришлари мумкин¹¹.

Юқоридагилар асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини қуйидаги

мазмундаги янги 155⁵-модда билан тўлдиришни таклиф қиламиз:

«155⁵-модда. Террорчилик ташкилоти ташкил этиш ёки унга аъзо бўлиш

Террорчилик ташкилоти ташкил этиш, яъни террорчилик ташкилоти тузиш, шунингдек террорчилик ташкилоти ёки унинг таркибий бўлинмасини бошқариш, –

Террорчилик ташкилоти фаолиятида қатнашиш, –

Террорчилик ташкилоти ёки унинг таркибий бўлинмасидаги фаолиятидаги иштирокини ихтиёрий равишда тўхтатган ва улар тўғрисида ахборот берган шахс, агар унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, жиний жавобгарликдан озод қилинади».

Шунингдек, Жиноят кодексининг 8-бўлимида террорчилик ташкилоти тушунчасига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шу

мақсадда Жиноят кодексининг 8-бўлимига қуйидаги мазмундаги қўшимча киритиш таклиф қилинади: «Террорчилик ташкилоти – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви».

Хулоса қилиб айтганда, терроризм билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларни ўз вақтида криминализация қилиниши мамлакатда жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлашда ҳамда тинчлик ва инсоният хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ж. ИБРОҲИМОВ,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори

¹ Country Reports on Terrorism 2018 – Доклад Государственного департамента США о проблемах борьбы с терроризмом в мире // www.state.gov – официальный веб-сайт Государственного департамента США.

² Елизаров И.Е. Уголовно-правовой анализ вовлечения в совершение преступлений террористического характера (ст. 205 УК РФ): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РПА МЮ РФ, 2003.

³ Кошевой И.О. Криминологические и уголовно-правовые проблемы борьбы с содействием террористической деятельности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: ИМПЭИ, 2011. – С.8-9.

⁴ Кошевой И.О. Современные формы борьбы с содействием преступлениям террористического характера // Современное право. – Москва, 2011. – №5.

⁵ Тройнов С.П. Уголовно-правовые и криминологические проблемы организации преступного сообщества (преступной организации): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2004. – С. 5-7.

⁶ Казаков Р.Ю. Этнорелигиозный терроризм и его предупреждение. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 3-5.

⁷ Алехин В.П. Соучастие в террористической деятельности. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2008. – С. 3-7.

⁸ Малиновский В.В. Организационная деятельность в уголовном праве России. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Владимир, 2009. – С. 4-6.; Абдулатипов А. М. Организация террористического сообщества и участие в нем (уголовно-правовые аспекты) // Юридический вестник ДГУ. – 2016. – №2. – С. 93.

⁹ Поличной Р. В. Правовые средства борьбы с террористическими организациями в Российской Федерации // Современное право, 2017. № 3 // СПС «КонсультантПлюс».

¹⁰ Устинова В. В. Противодействие финансированию терроризма. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2010. – С. 4-5, 7.; Егорова Н.А. Противодействие терроризму: новеллы уголовного законодательства // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. – 2014. – № 3. – С. 128.; Гладких В.И. Новые правовые механизмы противодействия терроризму: критический анализ // Российский следователь. – 2014. – № 5. – С. 34-38; Ростокинский А.В., Толпекин К.А. Очередные «антитеррористические» новеллы или введение в «уникальную» часть Уголовного кодекса? // Российский следователь. – 2014. – №18. – С. 31-34.

¹¹ Сипки М.В. Уголовная ответственность за организацию террористического сообщества или деятельности террористической организации и участие в них: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: МГЮУ, 2018. – С.13, 18.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ТАРАФЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Суд ишларида иштирок этувчи шахслар, хусусан, тарафларнинг процесдаги ҳуқуқий ҳолатига оид масала фуқаролик процессуал ҳуқуқининг биринчи даражали масалаларидан ҳисобланиб, ҳозирги кунда кўплаб олимларнинг эътиборини ўзига тортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 39-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг рўйхати баён этилган ва унда тарафлар биринчи навбатда кўрсатилган. Дарҳақиқат, ишда иштирок этувчи шахслар рўйхатида биринчи бўлиб тарафларнинг кўрсатилиши бежиз эмас, зеро, даъво тартибида кўриладиган фуқаролик ишларида тарафлар процесс иштирокчилари ичида марказий ўринни эгаллайди. Айнан тарафлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган келишмовчиликларнинг манбаи ҳисобланади, уларнинг ташаббуси билан фуқаролик суд ишларини юритиш қўзғатилади, улар ўртасида келишув битимининг тузилиши иш юритишни тугатишга олиб келади ва ҳоказо. Юридик адабиётларда ҳам тарафлар фуқаролик иши бўйича асосий иштирок этувчи шахслар эканлиги эътироф этилади¹.

Даъвогар (ариза берувчи) ва жавобгар фуқаролик суд ишларини юритишнинг тарафларидир (ФПКнинг 43-моддаси).

Айрим МДХга аъзо давлатлар қонунчилигидан фарқли равишда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида даъвогар ва жавобгарга таъриф берилган. Унга кўра, даъвогар деб, ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш қўзғатилган шахсга айтилади, жавобгар эса ўзига нисбатан талаб тақдим этилган шахсдир (ФПКнинг 43-моддаси).

Бизнинг фикримизча, фуқаролик процессуал қонунчиликда даъвогар ва жавобгарга нисбатан таърифнинг берилиши, биринчидан, тарафлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишни ва тарафлар таркибини тўғри белгилашни таъминлайди, иккинчидан, фуқаролик процесси иштирокчилари ўртасидаги ўзаро нисбатни аниқлаштиради, учинчидан эса, судга мурожаат қилган шахсларнинг даъво аризаларини қабул қилишни судлар томонидан асосиз рад этиш ҳолатларининг олдини олади.

Қолаверса, ҳуқуқшунос олим Ю.А.Попованинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, тарафлар таркибини тўғри белгилаш барча фуқаролик-ҳуқуқий низолар бўйича қонунийлик, адолатлилик каби процессуал кафолатларнинг зарурий шарти ҳисобланади².

Бошқа давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, фуқаролик процессининг тарафлари бўлмиш даъвогар ва жавобгарга қонунда умуман таъриф берилмаган. Масалан, Россия, Беларусь, Украина Фуқаролик процессуал кодексларида даъвогар ва жавобгар фуқаролик процессининг тарафлари эканлигини кўрсатиш билан чекланилган.

«Тарафлар» тушунчасини белгилаш борасида ҳуқуқшунос олимлар фикрларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб олимлар фуқаролик суд ишларини юритишдаги тарафларни низоли моддий-ҳуқуқий муносабатларнинг тахмин қилинган субъектлари, деб ҳисоблайдилар³. Иккинчи гуруҳ олимларнинг фикрича, тарафлар ўзининг моддий-ҳуқуқий ва процессуал манфаатларини ҳимоя қилишга киришган ва суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори таъсир кўрсатадиган моддий-ҳуқуқий муносабат субъектларидир.

Иккинчи гуруҳга мансуб олимлардан ҳисобланган М.С.Шакаряннинг фикрича, тарафларнинг тушунчасини бу тарзда белгилаш даъво тартибида иш юритиш каби маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, шунингдек айрим ҳолларда алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳам қамраб олади⁴. А. А. Власовнинг фикрича, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритишда суд орқали ҳимояланиш мақсадида мурожаат қилган шахсларни аризачи ёки шикоятчи, ариза ёки шикоят кимга нисбатан берилган бўлса, уларни жавобгар деб номлаш мумкин. Чунки, мазкур суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахс ўзига нисбатан киритилган шикоят (ариза) бўйича жавоб беради. Олим худди шундай атамани алоҳида тартибда юритила-

диган айрим ишларга нисбатан қўллаш мумкинлигини кўрсатади⁵.

М. М. Мамасиддиқовнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда аризачи (шикоятчи) ва давлат бошқаруви органи бир-бирлари билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда эмас, балки маъмурий-ҳуқуқий ёки молиявий муносабатларда бўлади. Бу эса, уларни тарафлар дейиш учун тўла асос бўлмаслигини кўрсатади⁶. Ҳуқуқшунос олим Е. В. Михайлова ҳам судга мурожаат қилган шахсни даъвогар деб тан олиш учун унинг низоли моддий ҳуқуқий муносабат билан боғлиқлигининг ўзи етарли эканлигини қайд этади⁷.

Таҳлиллар тарафларнинг бир қатор ўзига хос ҳуқуқий белгилари мавжудлигини кўрсатади. Тарафларнинг дастлабки белгилари шундан иборат: муайян фуқаролик ишининг судда кўрилишида тараф сифатида низоли ҳуқуқ ва мажбурият эгалари бўлган низоли ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари иштирок этади. Мазкур белги муайян ҳолатда фуқаролик процессида тараф сифатида кимлар иштирок этиши ёки иштирок этмаслиги ҳақидаги масалани тўғри ҳал этишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судлар томонидан фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш жараёнида судда даъвогар ва жавобгар сифатида низоли ҳуқуқий муносабат субъектлари иштирок этиши талаб этилади.

Демак, тарафларнинг биринчи ҳуқуқий белгиси шундан иборатки, фуқаролик ишида ҳуқуқий муносабатнинг тахмин

қилинган ёки ҳақиқий субъектлари иштирок этиб, улар ўртасида юзага келган низо суд томонидан кўрилиши ва ҳал этилиши талаб этилади. ФПКнинг 43-моддасида даъвогарга берилган таърифда мазкур белги яққол намоён бўлади. Унга кўра, даъвогар деб, ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган шахсга айтилади.

Шундай қилиб, даъвогар фуқаролик ишлари бўйича низоли ҳуқуққа эга бўлган, қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилган шахс ҳисобланади ва у суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлади. Суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс, бошқача айтганда, ўзига нисбатан талаб тақдим этилган шахс жавобгар ҳисобланади. Бу эса, жавобгар низоли ҳуқуқий муносабатнинг жавоб бериши тахмин қилинган субъекти эканлигини кўрсатади.

Тарафларнинг иккинчи ҳуқуқий белгиси – уларнинг низоли ҳуқуқий муносабат субъектлари сифатида ишнинг якунидан бир-бирига қарама-қарши бўлган юридик манфаатга эга бўлиши ҳисобланади.

Даъвогарнинг иш якунидан юридик манфаатдор бўлиши деганда суд томонидан даъвогар талабини қаноатлантирувчи ҳал қилув қарорининг чиқарилиши, яъни ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши ва жавобгарни даъвогар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлаш тушунилади.

Жавобгарнинг иш якунидан юридик манфаатдорлиги даъвогар талабини қаноатлантиришни рад этувчи ҳал қилув қарорининг чиқарилишидан манфаатдор бўлишдир.

Тарафларнинг учинчи ҳуқуқий белгисига кўра, тарафлар низоли ҳуқуқ ва мажбурият ҳамда ўзаро қарама-қарши бўлган юридик манфаат эгаси сифатида ишда ҳар доим ўз номидан иш юритади. Шу муносабат билан муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ишларини уларнинг қонуний вакиллари юритади. Даъвогар ва жавобгарнинг қонуний вакиллари процессда нафақат тарафларнинг, шу билан бир қаторда ўз манфаатларини ҳимоя қилиб ҳам иштирок этади.

Тарафларнинг тўртинчи ҳуқуқий белгиси шундан иборатки, иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг моддий-ҳуқуқий оқибати низоли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг эгаси сифатида фақат тарафларгагина таъсир кўрсатади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назарияси ва ҳуқуқни кўллаш амалиётида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг аризалари асосида кўзғатилган фуқаролик ишларининг судда кўрилишида ушбу шахсларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолатини белгилаш борасида турли нуқтаи назарлар билдирилади. Масалан, бир гуруҳ олимларнинг фикрича, муайян шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси билан мурожаат қилган прокурор процессда тарафнинг ҳуқуқий ҳолатини эгаллайди. Чунки, у бузилган моддий ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида худди даъвогар каби суд муҳокамасида фаол иштирок этади, жавобгар билан тортишади, ўз талабларини асослайдиган далиллар тақдим қилади. Прокурор процессга бузилган моддий ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун киришади ва бу борада даъвогарнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади⁸.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, прокурорнинг «процессуал маънода» тараф сифатида иштирок этишини кўрсатиб, ўз

нуқтаи назарларини прокурорнинг моддий манфаатдор шахс бўлмай, суд ҳал қилув қарори унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмасида, лекин у судга ариза билан мурожаат қилаётганда ҳам, суд процессида иштирок этаётганда ҳам даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши, ўз талабларини исботловчи субъект бўлиб ҳисобланиши билан асослашга ҳаракат қилади.

Фикримизча, ҳар иккала гуруҳ олимларининг нуқтаи назарлари билан келишиб бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, фуқаролик процессида тарафлар ишнинг якунидан фақат моддий ва процессуал манфаатдор бўлади, процессда ўз номлари билан иштирок этади ва чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатади. Прокурор эса, ўз зиммасидаги вазифаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, фуқаролик процессида иштирок этувчи бошқа шахслардан мустақил равишда ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги «Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан ФПКнинг 50-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унга кўра, прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра қўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этишга ҳақли бўлиши, прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслигининг белгиланиши биз томонимиздан илгари сурилган позициянинг тўғри эканлигини кўрсатади.

Фуқаролик процессида тарафлар ва уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолатига

доир мавзудаги махсус тадқиқот ишлари МДХ таркибига кирувчи давлатларда кўп-лаб амалга оширилаётганлигини таъкидлаш ўринли бўлади⁹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик процессида тарафларга нисбатан куйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

«Ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мажбурий субъекти сифатида судда ўзларининг низоли моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга киришган, ишнинг якунидан ўзаро қарама-қарши юридик манфаатларга эга бўлган, судда ўз номидан иш юритадиган, қонун билан зиммасига муайян мажбуриятлар юклатиладиган ҳамда суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори низоли моддий-ҳуқуқий манфаатларига таъсир кўрсатадиган субъектлар фуқаролик процессида тарафлар, деб айтилади».

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессуал қонунчилигида низосиз ишларда иштирок этувчи шахсларнинг аниқ аломатларини белгилаб берувчи шартли атамаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги турлича фикр-мулоҳазаларга олиб келади. Хусусан, ФПКнинг 43-моддасида «даъвогар (ариза берувчи)» жумласи ишлатилган. Бу эса, ўз навбатида, барча суд ишларини юритиш турларида ишнинг якунидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлган икки қарама-қарши томон иштирок этиши ҳақида хулосаларни келтириб чиқаради. А.А.Власовнинг фикрича, ишнинг якунидан шахсан ҳуқуқий манфаатдор бўлишнинг ўзи ишда иштирок этувчи шахслар орасидан тарафларни аниқлаб берувчи асосий белгиларидан ҳисобланади¹⁰. Лекин, «тарафлар» тушунчаси фақатгина даъво тартибида юритиладиган ишларгагина хос бўлганлиги боис, мазкур олимнинг фикри баҳсли ҳисобланади. Чунки, судда даъво тартибидаги ишларнинг қўзғатилиши учун асос бўлмиш та-

рафлар ўртасида ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мавжуд бўлиши унинг бошқа суд ишларини юритиш турларидан (буйруқ тартибида ва алоҳида тартибда юритиладиган ишлардан) фарқлайдиган муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади ва судга мурожаат қилган шахсни даъвогар деб тан олиш учун унинг низоли моддий ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ эканлигининг ўзи етарли бўлади¹¹.

Агар буйруқ тартибида ва алоҳида тартибда юритиладиган ишларда иштирок этувчи шахсларга фуқаролик процессуал қонунчилигида таъриф бериб ўтилса, ортикча баҳс-мунозараларга барҳам берилган бўлар эди.

Маълумки, фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларининг асосий гуруҳини ишда иштирок этувчи шахслар ташкил қилади.

Юридик адабиётларда (Ш. Ш. Шорахметов, Н. М. Кострова, М. С. Шакарян) иштирок этувчи шахсларни ишнинг натижасидан манфаатдор бўлишига қараб, қуйидаги икки гуруҳга ажратиш лозимлиги кўрсатилади:

1) ўзининг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. Ушбу шахсларга тарафлар ва учинчи шахслар киритилади;

2) процессда бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. Мазкур шахслар қаторига бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор ва давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар киритилади¹².

Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини процессда эгаллаган ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштириш ва шу асосда уларни гуруҳларга ажратиш, бир

тизимга солиш мақсадида мамлакатимиз ФПКнинг «Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари» деб номланган 6-бобининг тузилишини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Хусусан, мазкур бобни алоҳида бўлим (ёки кичик бўлим)га айлантириш ва унда қуйидаги бобларни назарда тутиш лозим: умумий қоидалар, тарафлар, учинчи шахслар, вакиллар, прокурор, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар, ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмайдиган шахслар, фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини рад этиш.

Ўз навбатида, амалдаги ФПКнинг 6-бобидаги 39-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш ва унда фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлган шахслар ва ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмаган шахслар гуруҳига ажратиш, ушбу тоифадаги шахслар таркибига аниқлик киритиш таклиф қилинади:

«39-модда. Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари

Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлган шахслар ва ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмаган шахсларга бўлинади.

Ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлган шахслар жумласига қуйидагилар кирди:

ишнинг натижасидан бевосита манфаатдор бўлган тарафлар, учинчи шахслар, ари-зачилар, давлат органлари, юридик шахслар ва бошқа органлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича манфаатдор фуқаролар ва юридик шахслар;

ишнинг натижасидан давлат, жамоат ва бошқа хил манфаатдор бўлган прокурор,

давлат бошқаруви органлари, ўзининг номидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи юридик шахслар ва фуқаролар; иш бўйича хулоса бериш мақсадида иштирок этувчи давлат органлари, прокурордан ташқари, ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлган шахслар вакиллари.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолислар, рўйхатга олинган ёки низоли мулкни сақловчилар ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмайди.

Буйруқ тартибидаги ишларда ва чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қара-

тиш билан боғлиқ ишларда иштирок этувчи шахслар ундирувчи, қарздор ва уларнинг вакиллари ҳисобланади, ушбу Кодекснинг 1-кичик бўлими (Буйруқ тартибида иш юритиш) ва III бўлими (Фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки)да назарда тутилган қоидаларга асосан, мазкур бўлимларда белгиланган хусусиятлар инобатга олинади».

О. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг
мустақил изланувчиси

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алёхина, В.В.Бланев и др. Под ред. М.С.Шакарян. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – С. 51.; Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессида тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (илмий-амалий қўлланма). Масъул муҳаррир ю.ф.н., доц. А.Б.Ғафуров. –Т.: ЮМОМ, 2012. - 3-б.

² Попова Ю.А. Судопроизводства по делам, возникающим из публично-правовых отношений (теоритические проблемы). -Краснодар, 2002. – С. 90.

³ Қаранг: Вукот М.А. Страны – основные лица искового производства. –Саратов, 1968. – С 4.; Джалилов Д.Р. Лица, участвующие в гражданских делах искового производства. –Душанбе, 1965. – С. 13 с.; Мельников А.А. Правовое положение личности в советском гражданском процессе. –М., 1969. – С.126-138.; Гражданский процесс/ Учебник. Отв. ред. проф. В.В.Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. –С. 58-60.; Михайлова Е.В. Понятие, процессуальные права и обязанности сторон в гражданском судопроизводстве // Юридический аналитический журнал. 2003, №2 (6) – С. 78-79.; Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси иштирокчилари таркибини такомиллаштиришнинг амалий масалалари // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси. 2007, 4-сон. 36-39-б.

⁴ Шакарян М.С. Учение о сторонах в гражданском процессе // Монография. -М.: Юрлит. 1983. – С. 9-10.

⁵ Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. – М.: ТК Велби, 2004. – С. 74-75.

⁶ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси иштирокчилари таркибини такомиллаштиришнинг амалий масалалари // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси. 2007, 4-сон. 36-39-б.

⁷ Михайлова Е.В. Понятие, процессуальные права и обязанности сторон в гражданском судопроизводстве // Юридический аналитический журнал. 2003. №2 (6). – С. 78.

⁸ Қаранг: Полянский Н.Н., Страгович М.С., Сивицкий В.М., Мельников А.А. Проблемы судебного права. –М.: Юрлит. 1983. – С. 49-51.; Ференц-Сороцкий А.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1992. № 4. – С. 91-95.

⁹ Қаранг: Михайлова Е.В. Правовой статус сторон в гражданском процессе Российской Федерации: Автореф. дис. канд. юрид. наук. –М., 2004. -26 с.; Балашов А.Н. Процессуальные права и обязанность сторон при рассмотрении гражданских дел в суде первой инстанции: Автореф. дис. канд. юрид. наук. –Саратов, 2005. – С. 26.

¹⁰ Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. – М.: ТК Велби, 2004. – С. 75.

¹¹ Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси иштирокчилари таркибини такомиллаштиришнинг амалий масалалари // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси. 2007, 4-сон. 36-39-б.

¹² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. 49-50-б.; Кострова Н. М. Проблемы гражданского судопроизводства: Учебное пособие. –Махачкала: ИПЦ ДГУ, 2002. – С. 44; Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под. ред. М. С. Шакарян. –М.: ТК. Вебли. Изд-во Проспект, 2004. – С. 46.

«ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқаро тижорат арбитражи тижорат ва инвестиция низоларини ҳал этишнинг муқобил, суддан ташқари шакли сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қонунини қабул қилишнинг зарурати қуйидагилар билан асосланган: биринчидан, янги Ўзбекистонда халқаро тижорат арбитражи судларининг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро арбитраж суди фаолиятининг асосий принципларини белгилаш; иккинчидан, хорижий инвесторлар, шунингдек миллий компанияларни чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш; учинчидан, низоларни кўришда миллий компаниялар сарф-харажатларини қисқартириш, арбитраж ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижро этиш механизмларини белгилаш ва шу асосда халқаро шартномаларнинг низоли масалаларини ҳал қилишда мамлакатнинг минтақадаги обрўсини ошириш.

Қонун БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссияси томонидан қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланган ЮНСИТРАЛнинг Халқаро савдо арбитражи тўғрисидаги Намунавий қонуни асосида, шунингдек арбитраж муҳокамаси соҳасида жаҳон амалиёти ҳисобга

олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Қонун 56 та моддани қамраб олган 8 та бобдан иборат. Умумий қоидаларда асосий тушунчалар, Қонуннинг қўлланиш соҳаси, халқаро тижорат арбитражига ҳал этиш учун топшириладиган низолар, арбитражларнинг ва арбитраж муҳокамаси бошқа иштирокчиларининг иммунитетини, арбитраж судининг мустақиллигини, суд аралашувининг чегараларини, суднинг ваколатини, ёзма хабарларни олиш, эътироз билдириш ҳуқуқидан воз кечишга оид нормалар белгиланган.

Шунингдек, Қонунда арбитраж келишувининг таърифи ва шакли, арбитраж келишувининг предмети бўлган масала юзасидан судга даъво тақдим этиш ва унинг оқибатлари, арбитраж муҳокамаси тарафининг таъминлаш чораларини кўриш ҳақида арбитраж муҳокамасидан олдин ёки арбитраж муҳокамаси вақтида ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи батафсил ёритиб берилган.

Шу ўринда арбитраж келишуви тарафларнинг шартномавий хусусиятга эгалигидан ёки эга эмаслигидан қатъи назар, бирор-бир аниқ ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган, улар ўртасида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёки муайян низоларни арбитражга топшириш тўғрисидаги келишуви эканлигини қайд қилиш лозим. Арбитраж келишуви ёзма шаклда шартномадаги арбитраж шартини ёки алоҳида келишув тарзида тузилиши мумкин.

Арбитраж судининг таркиби ва юрисдикцияси масалалари Қонуннинг алоҳида бобида белгиланган бўлиб, унга кўра тарафлар ўз хоҳишига биноан арбитрлар сонини белгилаши мумкин, аммо уларнинг сони тоқ бўлиши керак.

Ҳакамлик судидан фарқли равишда арбитраж судида, агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, ҳеч бир шахс ўзининг фуқаролиги сабабли арбитр сифатида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Аммо, арбитрни тайинлаш чоғида суд тарафларнинг келишувига мувофиқ арбитрга қўйиладиган ҳар қандай талабни ҳамда мустақил ва холис арбитрни тайинлашни таъминлаши мумкин бўлган фикрларни лозим даражада инобатга олади, якка тартибдаги арбитр ёки учинчи арбитр тайинланган тақдирда эса, фуқаролиги тарафларнинг фуқаролигидан бошқа фуқароликка эга бўлган арбитрни тайинлаш мақбул эканлигига ҳам эътибор қаратади.

Арбитр фақат унинг холислиги ёки мустақиллиги борасида асосли шубҳалар келтириб чиқарувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ёки у тарафлар келишуви томонидан қўйилган талабларга мос келмаган тақдирда рад этилиши мумкин. Тараф ўзи тайинлаган ёки тайинланишида ўзи иштирок этган арбитрни рад этиш ҳақида фақат у тайинланганидан кейин ўзига маълум бўлиб қолган сабаблар бўйича арз қилиши мумкин.

Арбитр юридик жиҳатдан ёки амалда ўз вазифаларини бажара олмай қолса ёхуд бошқа сабабларга кўра асоссиз кечикиш туфайли уларни амалга оширишга киришмаса, агар арбитр ўзини ўзи рад этса ёки тарафлар бундай тугатиш борасида келишиб олса, унинг ваколатлари тугатилади. Бундай ҳолатда қонунда белгиланган тартибда янги арбитр тайинланади.

Арбитраж судида юрисдикцияни белгилаш, яъни мазкур арбитраж суди унга

тақдим қилинган даъво аризасини мазмунан кўриб чиқиб, ҳал этиш ваколати бор ёки йўқлигини аниқлаши муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани аниқлаш, аввало, арбитраж суди томонидан ўз юрисдикцияси тўғрисида, шу жумладан, арбитраж келишувининг мавжудлиги ёки ҳақиқийлиги борасидаги ҳар қандай эътироз бўйича ўзи қарор чиқариш орқали ёки қонунда белгиланган ҳолатлар ва тартибда тегишли давлат суди қарори билан амалга оширилади.

Қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг 4-бобида таъминлаш чоралари ва дастлабки қарорлар қабул қилишга оид нормалар белгиланганлигидир. Мазкур бобда арбитраж судининг таъминлаш чораларини кўришга доир ваколатлари, таъминлаш чораларини кўриш шартлари, дастлабки қарорларни чиқариш тўғрисидаги ариза ва дастлабки қарорларни чиқариш шартлари ҳамда унинг алоҳида режими, таъминлаш чораларини ўзгартириш, тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш, таъминотни тақдим этиш, ахборотни ошкор этиш, чиқимлар ва зарарлар, таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда уни тан олишни ёки ижрога қаратишни рад қилиш учун асослар, суднинг таъминлаш чораларини кўриш ваколатлари батафсил ёритилган.

Қонуннинг арбитраж муҳокамасини юритишга оид нормалар белгиланган 5-бобида арбитраж муҳокамаси жараёнида тарафларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш таъминланиши ва ҳар бир тарафга ўз нуқтаи назарини баён этиш учун барча имкониятлар берилиши кераклигига урғу берилган. Шунингдек, давлат судларидан фарқли ўлароқ, тарафлар, ушбу Қонун қоидаларига риоя этиш шарти билан, арбитраж суди томонидан муҳокаманинг юритилиши тартиб-таомили тўғрисида, шу жумладан, арбитраж жойи, арбитраж муҳокамасининг тили ва бошланиши каби

масалаларни ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин.

Арбитраж судига берилган ваколатлар ҳар қандай далилнинг мақбуллиги, алоқадорлиги, муҳимлиги ва аҳамиятлилигини аниқлашга доир ваколатларни ўз ичига олади.

Даъво аризаси ва даъво бўйича эътирозларга оид белгиланган нормаларга кўра, тарафлар томонидан келишилган ёки арбитраж суди томонидан белгиланган муддат мобайнида даъвогар ўзининг даъво талабини тасдиқловчи ҳолатлар ҳақида, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ва ўз даъво талабларининг мазмуни тўғрисида арз қилиши керак, жавобгар эса, агар тарафлар бундай аризаларнинг зарур қисмлари борасида бошқача шартлашмаган бўлса, ушбу масалалар бўйича ўз эътирозларини билдириши керак.

Арбитраж суди даъво аризасини кўриб чиқишни икки хил усулда амалга ошириши мумкин: биринчиси, тарафлар ёки уларнинг вакиллари иштирокида суд мажлисида оғзаки эшитув ёки оғзаки музокаралар ўтказиш, иккинчиси, суд мажлиси ўтказмасдан тарафлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва бошқа материаллар асосида қарор қабул қилиш орқали. Бироқ, агар тарафлар оғзаки эшитувни ўтказмаслик тўғрисида келишиб олмаган бўлса, арбитраж суди исталган тарафнинг илтимосига кўра, бундай эшитувни муҳокаманинг тегишли босқичида ўтказиши керак.

Арбитраж судига ҳужжатларни тақдим этмаслик ёки тарафларнинг келмаслигининг ҳуқуқий оқибатлари Қонунда аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра, узрли сабаб кўрсатилмаган ҳолда: 1) даъвогар ўзининг даъво аризасини тақдим этмаган тақдирда, арбитраж суди муҳокамасини тугатади; 2) жавобгар даъво бўйича ўз эътирозларини тақдим этмаган тақдирда, арбитраж суди эътирозлар тақдим этилмаганлиги фактига даъвогар фикрлари-

нинг тан олиниши сифатида қарамай, муҳокамани давом эттиради; 3) исталган тараф эшитувга келмаганда ёки ҳужжатли далилларни тақдим этмаганда, арбитраж суди муҳокамани давом эттириши ва ўзида мавжуд бўлган далиллар асосида ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин.

Арбитраж судининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири низонинг моҳиятига нисбатан қўлланиладиган нормалар ва уларни тарафлар томонидан мустақил танлаш ҳуқуқининг мавжудлигидир.

Арбитраж суди низони тарафлар низонинг моҳиятига нисбатан қўлланилиши учун танлаган ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал этади, яъни тарафларнинг хоҳиши арбитраж суди учун мажбурий ҳисобланади.

Агар бошқача қоида кўрсатилмаган бўлса, бирор-бир давлатнинг ҳар қандай ҳуқуқи ёки ҳуқуқ тизими кўрсатилганлиги унинг бир-бирига зид нормаларига эмас, балки ушбу давлатнинг моддий ҳуқуқига бевосита ҳавола қилувчи сифатида талқин қилиниши керак.

Арбитраж суди ҳал қилув қарорини адолатлилик бўйича ёки «дўстона воситачи» сифатида фақат тарафлар унга тўғридан-тўғри ваколат берган тақдирдагина қабул қилади. Барча ҳолларда арбитраж суди ҳал қилув қарорини шартнома шартларига мувофиқ ва мазкур битимга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган савдо урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади.

Бир нафардан ортиқ арбитраж томонидан арбитраж муҳокамасини ўтказишда, агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, арбитраж судининг ҳар қандай ҳал қилув қарори арбитраж суди барча аъзоларининг кўпчилик овози билан чиқарилади.

Арбитраж муҳокамаси жараёнида тарафлар низони келишув битими тузиш орқали ҳам ҳал қилиши мумкин. Бундай ҳолларда арбитраж суди муҳокамани тугатади ва тарафларнинг илтимосига кўра, агар ўзининг эътирозлари мавжуд бўлма-

са, тарафлар келишган шартлар асосида арбитраж ҳал қилув қарорини қабул қилади. Бундай арбитраж ҳал қилув қарори низонинг моҳиятига кўра, ҳар қандай бошқа арбитражнинг ҳал қилув қарори каби кучга эга бўлади ва ўша қарор каби ижро этилиши лозим.

Қонунда арбитраж ҳал қилув қарорининг шакли ва мазмунига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, у ёзма шаклда чиқарилиши ва яқка тартибдаги арбитр томонидан ёки арбитрлар томонидан имзоланиши керак. Бироқ, бир нафардан ортиқ арбитр томонидан ўтказиладиган арбитраж муҳокамасида, башарти бошқа имзоларнинг мавжуд эмаслиги сабаблари кўрсатилса, арбитраж суди барча аъзоларининг кўпчилик имзолари мавжуд бўлиши етарлидир. Масалан, арбитраж муҳокамасида уч нафар арбитр иштирок этган, аммо ҳал қилув қарорини икки нафар арбитр имзолаган, учинчи арбитр томонидан имзоланмаган ва унинг сабаби ҳал қилув қарорида кўрсатилган бўлса, бундай ҳал қилув қарори давлат судлари ҳал қилув қарорларидан фарқли равишда қонуний кучга эга бўлади.

Қоида тариқасида, арбитражнинг ҳал қилув қарорида у нималарга асосланганлигининг сабаблари кўрсатилиши керак, бундан тарафлар сабаблар кўрсатилиши керак эмаслигига келишиб олган ёки арбитраж ҳал қилув қарори келишилган шартлар асосидаги қарор деб ҳисобланган ҳоллар мустасно.

Арбитраж муҳокамаси якуний арбитраж ҳал қилув қарори чиқарилганда ёки қуйидаги ҳолларда арбитраж муҳокамасини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилганда тугатилади: 1) даъвогар ўз даъвосини чақириб олса, агар жавобгар муҳокама тугатилишига қарши эътирозлар билдирмаса ва арбитраж суди жавобгарнинг низо узил-кесил ҳал қилинишидан қонуний манфаатдорлигини тан олмаса;

2) тарафлар муҳокамани тугатиш тўғрисида келишиб олса; 3) арбитраж суди бирор-бир бошқа сабабга кўра муҳокамани давом эттиришни зарур эмас ёки имконсиз деб топса.

Шунингдек, Қонунда арбитражнинг ҳал қилув қарорини тузатиш ва шарҳлаш, арбитражнинг қўшимча ҳал қилув қарорини чиқариш ҳамда ҳал қилув қарори устидан судга шикоят қилиш ва уни ижрога қаратиш тартиби ҳам белгиланган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши:

Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал қилиш усули ҳисобланувчи ва оммавий аҳамиятга эга бўлган функцияни амалга оширувчи фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида арбитраж муҳокамаси институтини ривожлантиришга;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурий ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга;

ташқи савдо ҳамда бошқа ташқи иқтисодий фаолият турларини амалга оширишда шартномавий ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низолар, корпоратив тусдаги низолар, инвестициялар, интеллектуал мулк ва бошқа низоларни кўришда тарафларнинг вақти ва харажатларини қисқартиришни таъминлашга;

ҳалқаро тижорат арбитражи соҳасида етук мутахассисларни, шу жумладан, иқтидорли ёшларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни жаҳон андозаларига мос равишда олиб боришга хизмат қилади.

Ф. ОТАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институти
директори, юридик фанлар доктори

МЕДИАТИВ КЕЛИШУВ

Мамлакатимизда низоларни ҳал этишнинг нодавлат тизими самарали ривожланмоқда. Иқтисодиётда ҳакамлик судларининг тармоқлашган тизими шаклланиб, уларнинг қонуний асослари ва қарорларини ижро этиш механизми яратилди, ҳуқуқий майдонда медиация элементлари ўзини намоён эта бошлади.

Бозор иқтисодиётига асосланган муносабатлар жадал ривожланиб борар экан, субъектлар ўртасида турли низолар вужудга келиши муқаррардир. Шу сабабли, ҳуқуқ тизимида медиация, яъни низоларни судгача ҳал қилиш тизимини ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни суддан ташқари тартибда ҳал этиш механизмининг белгиловчи медиация ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида узоқ йиллардан бери қўлланиб келинади.

«Mediation» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «келишув, тинчликка эришув» деган маъноларни англатади.

Конфликтология соҳаси бўйича мутахассислар медиация деганда, воситачилик қилувчи ташқи учинчи шахс – медиаторнинг авж олаётган низоларнинг жавобгарликни ўз зиммаларига олишга тайёр турган барча иштирокчилар билан биргаликда ечимини ишлаб чиқишдаги ёрдамини тушунадилар¹. Е.И.Носырова воситачиликни учинчи мустақил иштирокчи – воситачи (медиатор) ёрдамида тарафлар орасидаги муаммони тартибга солиш жараёни сифатида кўради².

Медиация бир-бирини тушуниш ва

низоли ҳолатни бартараф этувчи битим тузишга эришиш мақсадида холис шахс – медиатор (воситачи) иштирокида тарафларнинг эркин музокарага кириш йўли билан низони ҳал қилиш тамойилидир³, деб фикр билдиради Ф. Отахонов.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, ер юзидаги низоларнинг 35-40 фоизи медиация йўли билан ҳал қилинади ва тахминан 85 фоиз ҳолатда кутилган ижобий натижани бермоқда⁴.

Медиация икки тарафни келишувга келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган низоларни ҳал этишнинг судгача бўлган муқобил усулидир ва медиатор деб ном олган бетараф учинчи шахс икки томонни муроасага келтириб, уларни қониқтирадиган келишув устида музокара олиб боришни таъминлайди⁵.

Медиатор тарафларнинг умумий манфаатларини кўзлаган ҳолда иш юритади.

Медиация мажбурий кучга эга бўлмаган, ихтиёрий, конфиденциал, яъни махфий ва ёпиқ жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олинган, бетараф ва холис учинчи шахснинг воситачилигида, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони шов-шувларсиз, ўз-ара муносабатларни сақлаб қолиш учун муроаса, ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёни ҳисобланади.

Бу жараёнда низолашаётган тарафлар ихтиёрий равишда бетараф учинчи шахс ёрдамида низони ҳал қилиш йўллари топишга ҳаракат қилади. Бетараф учинчи шахс – медиатор судья ҳам, арбитр ҳам эмас, энг муҳими, у қарорлар ва

мажбурий бўлган ҳужжатлар қабул қилмайди. Келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги қарорни тарафларнинг ўзи қабул қилади. Медиаторнинг вазифаси уларга низонинг ўзаро фойдали ечимини топишга ёрдам беришдан иборат.

Шундай қилиб, медиациянинг мақсади низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашидир. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳорати га ҳам боғлиқ. Ўтган асрда медиацияга нисбатан жамиятда вужудга келган эҳтиёж янги касб – медиаторликнинг шаклланишига олиб келди. Медиаторлик билан шуғулланувчилар – медиаторлар тарафлар ўртасида вужудга келган келишмовчилик ва низоларни ҳал этишга кўмаклашадилар. Бунда медиаторлар далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча, медиаторнинг асосий вазифаси тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, улар учун мақбул шартларда масалани ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Маълумки, судда ишларни кўришда муайян даражада молиявий харажатлар, вақт сарфланади. Демак, низони суд орқали, шу жумладан, келишув битимини тузиш йўли билан ҳал қилиш усулини медиация мезонлари билан таққосласак, медиация нисбатан самаралироқ эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Биринчидан, у суд жараёни, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши ва ижро иши юритишга қараганда камроқ вақтни олади. Ҳатто юридик тортишувлар, одатда, бир неча даъво аризаларидан ташкил топади ва улар баъзан турли судларда кўрилади. Бунда эса, ижро ва-

рақаси орқали эришиладиган натижага қараганда музокаралар ёрдамида яхшироқ натижага эришиш мумкин.

Иккинчидан, суд жараёнида кўрсатиладиган юридик хизматлар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар медиатор гонораридан анча кўп бўлади.

Учинчидан, суд жараёни яқунлангач, суд залини баъзан муросасиз муҳолифлар тарк этса, медиация жараёнида шерикчилик муносабатларини сақлашга муваффақ бўлинади, тарафлар ҳамкорликни яна давом эттиради.

Медиацияда иштирок этиш факти айбга икром бўлишнинг исботи ҳисобланмайди.

2018 йил 3 июлда қабул қилинган ва 2019 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонунининг мақсади Ўзбекистон Республикасида низоларни тартибга солишнинг муқобил усулларини ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, суд тизимидаги иш юктамаларини камайтиришдан иборат.

Қонун фуқаролик-ҳуқуқий, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда, шунингдек яқка меҳнат ва оилавий-ҳуқуқий низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Ушбу Қонун жамоат манфаатларига ҳамда медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Медиация ўзгарувчан жараён ҳисобланиб, тарафлар низони кўриб чиқиш жараёнини ўз хоҳишига кўра тартибга солиши мумкин, уларга муаммони муҳокама этиш учун эркин шароит яратилади. Шу билан бирга, медиаторнинг ўзи ҳам тарафларга низони ҳал қилиш йўлини топишга ёрдам беради.

Суд ишининг оммавийлиги, ошкоралиги

ва очиқлигидан фарқли равишда медиация жараёнига махфийлик хосдир. Тарафлардан олинган барча маълумотлар, медиаторнинг фаолияти тугагандан сўнг, унинг барча ёзувлари йўқ қилиниши лозим.

Медиация давомида барча қарорлар тарафларнинг икки томонлама келишувига кўра қабул қилинади ва иккала тараф ўзлари томонидан биргаликда қабул қилинган қарорларни ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини олади.

Медиациянинг рад этиб бўлмайдиган яна бир устунлиги шундаки, тарафлар ўртасида яхши, дўстона муносабатларни сақлаб қолишга эътибор қаратилади.

Медиациянинг моҳияти музокараларда ўз аксини топади. Уларнинг муваффақият билан тугаши учун нафақат тарафларнинг келишмовчиликни енгишга интилиши ва иродаси, балки медиаторнинг қобиляти ва тажрибаси ҳам муҳимдир.

Мамлакатимизда медиация илмий ва амалий жиҳатдан етарли ўрганилмаганлиги туфайли бу жараённинг муаммоларини хорижий давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда қайд қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, европалик мутахассислар медиацияни қўллашнинг қуйидаги учта асосий муаммосини ажратиб кўрсатади:

- 1) медиаторга мурожаат этишда даъво муддатининг ўтиб кетиши масаласи;
- 2) тарафлар томонидан эришилган келишувни ижро этиш имконияти;
- 3) махфийликни таъминлаш, яъни

уларни сақлаш мажбурияти ва медиаторнинг маълумотларни яшириш ҳуқуқи, хусусан, ваколатли органлардан ҳам.

Медиация у ёки бу шаклда низоларни ҳал этишда мамлакатимиз ҳудудида анчадан бери қўлланилиб келинган. Масалан, медиацияга ўхшаш бўлган яраштирув жараёнлари амалиётда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) томонидан маҳалла фуқаролари ўртасида қўшнилар ва оилавий низоларни ҳал этишда кенг қўлланилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, медиатив келишув деганда, медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш натижалари бўйича тарафларнинг келиб чиққан низо хусусида ўзаро мақбул қарорга эришиш ҳақида ёзма шаклдаги келишувини тушунишимиз мумкин.

Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Шунингдек, медиатив келишувга низо бўйича индивидуал келишмовчиликларга медиация тартибини қўллаш натижасида тарафлар эришган ва ёзма равишда тузилган келишув деб ҳам таъриф бериш мумкин.

**А. ИБРАГИМОВА,
Чирчиқ туманлараро
иқтисодий суди раиси**

¹ Хесль Г. Посредничество в разрешении конфликтов. Теория и технология. СПб. 2004г. – С. 15.

² Носырова Е.И. Посредничество в урегулировании правовых споров: опыт США // Государство и право. 1997. №5. – С. 109.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди ахборотномаси.1/2017. Ф.Отахонов. Медиация: тушунчаси, мақсади ва принциплари. 22- б.

⁴ Жошева А.А. Медиация как способ досудебного урегулирования споров.

⁵ <http://www.vordiq.com/defintion/Mediation>; See Victim Offender Mediation in Cases of Domestic Violence, Workshop 17 of the European Forum for Victim Offender Mediation and Restorative Justice Proceedings from conference «Restorative Justice in Europe: Where are we heading?» Budapest, Hungary, 14-16 oktober, 2004.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантириш борасидаги ислохотлар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг фаолиятига иқтисодий мазмундаги муҳим янгиликларни, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий муносабатларида ўзгаришларни олиб кирди.

Шуни таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида замонавий инновацион ғояларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, интеллектуал мулк объектларининг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 8 февралдаги ПҚ–4168-сонли ва «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 28 январдаги ПҚ–4965-сонли қарорлари билан интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича муҳим қадмлар қўйилди.

Давлатимиз томонидан, интеллектуал мулк муносабатларга ва унинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор берилиши ушбу соҳа мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдиради. Интеллектуал мулк объектлари иқтисодий фаолият ривожланишининг зарурий омили бўлиб, ички ва ташқи бозорда хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор мавқеини таъминлаш билан бир қаторда мамлакатда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш механизмининг такомиллаштириш масалалари ҳар қандай даврда иқтисодий ривожланишнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб келган. Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни жорий этиш ва уни узлуксиз такомиллаштириб бориш, инсон капиталидан иқтисодиётни инновацион тарзда шакллантириш асоси сифатида фойдаланиш ҳозирги босқичда долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу муносабат билан интеллектуал мулкни тижоратлаштириш ва баҳолаш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш, энг асосийси эса, то-

пилган ечимларни тўғри қўллаш фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг диққат марказида бўлиши керак.

Маълумки, мутлақ ҳуқуқларнинг мавжудлиги туфайли интеллектуал маҳсулот унинг эгаси учун алоҳида иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бозор муносабатларини шакллантириш ва рақобатни тартибга солишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектларини корхонанинг активи сифатида қўллаш ва бундай мулкка эгаллик қилиш монопол фойда олиш турининг пайдо бўлишига ёрдам беради, шунингдек янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келади. Бундан ташқари, интеллектуал мулкни хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капитали сифатида шакллантириш интеллектуал фаолиятнинг химояланган натижаларидан кредит олишда гаров сифатида фойдаланиш имконини беради.

Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш уларни тижоратлаштириш жараёнидаги бирламчи омил ҳисобланади, чунки бозорга (умумий маънода) кириб келган ҳар қандай объект муайян қийматга эга бўлиши керак. Бироқ, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир интеллектуал мулк объекти ўзига хос бўлиб, уларнинг тижоратлашуви, хусусан, баҳоланиши ҳам бир хил ҳолатда кечмайди.

Масалан, профессор О. Оқюловнинг эътирофи этишича, фан, адабиёт, санъат асарлари тижоратлаштирилишидан олдин баҳоланиши лозим. Бунда одатдаги иқтисодий мезонларни қўллаш қай даражада ўринли бўлади, деган савол туғилади. Одатда, ҳар қандай товарнинг баҳоси унга сарф қилинган меҳнат миқдори билан ўл-

чанади. Фан, адабиёт, санъат асарлари ҳам инсон меҳнатининг маҳсули, бироқ, бу меҳнат интеллектуал фаолият ҳисобланади»¹.

Б. Ходжаев товар ишлаб чиқаришга асосланган тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилаётган товар белгиси даромад кўриш воситаси бўлиши билан бирга ўзи ҳам алоҳида савдо объекти сифатида баҳоланиш қийматига эга², деб таъкидлайди.

Шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиздаги амалдаги молиявий меъёрий ҳужжатларда интеллектуал мулк объектларининг пул қийматини белгиловчи мезонлар мавжуд эмас. Шундай экан, интеллектуал мулк объектларининг қийматини белгиловчи асосий ҳакам бозор бўлиб қолаверади. Бироқ, интеллектуал мулк бозорида сотувчи – мулкдор ҳам, оловчи – харидор ҳам бу масалада ўз субъектив нуқтаи назаридан эмас, балки илмий ва иқтисодий асосланган мезонлардан келиб чиқмоғи лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам интеллектуал мулкни баҳолаш мезонларига:

- интеллектуал мулк объектини яратишга кетган харажатлар;
- интеллектуал мулк объектининг ҳуқуқий муҳофаза қувватига эгаллиги (патентланганлиги, рўйхатдан ўтгани);
- интеллектуал мулк объекти қўлланилишидан олинган самара, унинг бугунги инновацион жараёнларга таъсири (маҳсулот сифати, рақобатбардошлигининг ошиши, иқтисодий тежами ва ҳ.к.);
- худди шундай турдаги ўхшаш объектларнинг бозордаги баҳоси;
- интеллектуал мулк объектини қўллаш, ундан фойдаланишда олиниши мумкин бўлган ижтимоий самара (экологик, эргонометрик ва ҳ.к.);

– интеллектуал мулк объектини қўллаш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатлар, шу жумладан, муаллифларга тўланиши лозим бўлган мукофотлар киради.

Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш иқтисодий қонуниятлар асосида амалга оширилса-да, бироқ ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари бугун ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда интеллектуал мулк объектларини тўғри баҳолашни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, хорижий давлатлар амалиётида уларнинг бир неча турлари фарқланади.

Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ўзининг мақсади, тамойиллари ва усулларидан келиб чиққан ҳолда даромад, қиёсий ва харажат ёндашувлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2020 йил 1 майда қабул қилинган, Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 июнда 3239-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандарти»нинг 9-бўлими «Номоддий активларни баҳолаш» деб номланиб, ташкилотлар балансида интеллектуал мулк ҳисобини юритишни тартибга солувчи мамлакатимиздаги ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади ва унда юқорида таъкидланган учта ёндашув қўлланилиши лозимлиги белгиланган.

Баҳоловчи баҳолаш усулини танлашда бозор шароитларига, интеллектуал мулкка бозор субъектларининг талаблари ва эҳтиёжларига, мулкдан фойдаланиш муддатлари ва баҳолаш пайтидаги иқтисодий вазиятга эътибор беради.

Хусусан, қиёсий ёндашувдан фойдаланилганда номоддий актив қиймати бозорнинг фаоллигидан келиб чиққан

ҳолда аниқланади. Қиёсий ёндашув бозор шароитлари ва бир хил активлар таклиф этилаётган нархлар даражасидан келиб чиқиб, уларнинг тафовутини таққослашни ўз ичига олади. Сотувчи ўз харажатларидан келиб чиқиб эмас, балки бозорда ўхшаш товарларнинг сотилган нархларидан келиб чиқиб таҳлилни амалга оширади.

Баҳоловчилар қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда номоддий активларни баҳолашга қиёсий ёндашувни қўллаши керак:

мустақил тарафлар ўртасидаги бир хил ёки ўхшаш номоддий активлар жалб қилинган битимлар ҳақида баҳолаш санасидаги ёхуд унга яқин санадаги ахборотдан фойдаланиш мумкин;

баҳоловчи баҳоланаётган номоддий актив билан бундай битимларда иштирок этаётган активлар ўртасидаги барча аҳамиятли тафовутларни ҳисобга олиш мақсадида тузатишларни амалга ошириши учун етарли ахборотга эга бўлганда³.

Баҳолашда қиёсий ёндашувдан фойдаланишнинг асосий муаммоси кўпинча тижорат сирига эга бўлган интеллектуал мулкнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, шунга ўхшаш битимларни тузиш шартлари тўғрисида маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Даромад ёндашувидан фойдаланилганда эса, баҳоланаётган номоддий активнинг қиймати унинг иқтисодий хизмат муддати давомидаги кўрсатилган даромад қиймати, пул оқимлари ёки сарф-харажатлардаги тежаш асосида аниқланади.

Номоддий активлар билан боғлиқ даромад кўпинча товарлар ёки хизматлар учун тўланадиган нархга киритилади. Даромад ёндашувининг кўпгина

усуллари баҳоланаётган номоддий актив билан боғлиқ бўладиган иқтисодий фойдани ажратиш учун қўлланилади. Даромадга нисбатан ёндашиш усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади: ортикча фойда усули, роялтидан озод қилиш усули, фойдадаги устунлик усули, гринфилд усули, дистрибьютор усули, таннархдаги ютуқ усули, эксплуатацион харажатлар тежамкорлиги усули, қолдиқ усули ва ҳ.к.

Даромад ёндашуви номоддий активларни баҳолашда қўлланиладиган энг кенг тарқалган усул бўлиб, кўпинча қуйидагиларни баҳолашда қўлланилади:

технологияларни;

мижоз билан боғлиқ номоддий активларни (масалан, бажарилмаган бўлажак буюртмалар журналлари, контрактлар, шартномавий муносабатларни);

савдо номлари (товар белгилари) брендларни;

фаолиятни амалга ошириш учун лицензияларни (масалан, франчайзинг ҳақида келишувлар, фойдали қазилмаларни қазиб олишга, қурилишга лицензияларни ва ҳ.к.);

рақобатни чеклаш ҳақида келишувларни.

Харажат ёндашувини қўллаганда эса, номоддий актив қиймати ўхшаш актив ёки ўхшаш сервис салоҳиятига ёхуд фойдалиликка эга актив билан алмаштиришга кетган харажатлар асосида аниқланади.

Харажат ёндашуви, қоида тариқасида, учинчи тарафдан сотиб олинган дастурий таъминотлар, ўз кучи билан ишлаб чиқилган, лекин компания ичида фойдаланиладиган ва сотишга мўлжалланмаган дастурий таъминотлар ҳамда тўлиқ бутланган ходимлар штатларига нисбатан қўлланилади.

Кўпинча харажат ёндашуви бошқа

баҳолаш ёндашувларини амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Харажат ёндашувида асосан алмаштириш харажатлари усули, яратиш қиймати усули, такрор ишлаб чиқариш қолдиқ қиймати усуллари билан фойдаланилади. Харажат ёндашуви билан баҳолаш жараёнида иш ҳақи, маркетинг харажатлари, таваккалчилик хавф-хатарини суғурталаш, ҳуқуқий ҳимоя харажатлари ва бошқа шу каби омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ва тижоратлаштириш жараёнини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш борасида бир неча муаммолар мавжуд.

Маълумки, дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида интеллектуал мулкни баҳолаш бўйича экспертларни тайёрловчи таълим муассасалари тизими, баҳоловчи мутахассисларни лицензиялаш тартиби ва баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи махсус инфратузилма фаолият юритади.

Афсуски, бугунги кунда мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларини баҳолайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларни лицензиялаш бўйича махсус тартиб-таомиллар тизими мавжуд эмас. Ҳозирча интеллектуал мулк объектлари баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи тузилмалар томонидан баҳоланмоқда. Республикамизда рақамли иқтисодиёт ва инновацион фаолиятни кенг ривожлантириш мақсадида интеллектуал мулкни баҳолашни амалга оширувчи махсус инфратузилмани шакллантириш талаб этилади. Бунинг учун, авваламбор,

юридик ва иқтисодий-молиявий таълим муассасаларида тегишли мутахассисларни тайёрлаш лозим.

Бундан ташқари, иқтисодий чегаралар тобора қисқариб бораётган ҳозирги даврда тўғри ташкил этилган маркетинг тизими интеллектуал мулкни самарали тижоратлаштиришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Аммо, ушбу шартлар ҳар доим ҳам тўғри амалга оширилавермаслиги мумкин. Бошқача айтганда, интеллектуал мулкка эгалик қилиш ва ундан sanoat ишлаб чиқаришда фойдаланиш ўртасида катта тафовут мавжуд бўлиб, уни бартараф этиш катта сармоя, узок вақт ва кўплаб инновацион хавфларни бошқаришни талаб этади.

Шунинг учун ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Масалан, яратилган ихтироларни тижоратлаштириш тизими ва молиялаштириш механизми, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмлари етарлича ишлаб чиқилмаган ва тизимли йўлга қўйилмаган. Шу боис, ихтироларнинг катта қисми халқаро инновациялар бозори тугул ҳатто миллий ишланмалар бозорига ҳам киролмай қолмоқда.

Илмий-тадқиқот институтлари ва айниқса, олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ихтиролар, илмий ишланмаларни молиялаштириш ва бошқа техник кўмак кўрсатиш ама-

лиётининг ягона тизими мавжуд эмас, бу борадаги ишлар суст, илмий доира билан хусусий сектор вакиллари ўртасидаги алоқа узук-юлуқ. Кўпчилик замонавий талабларга жавоб берадиган илмий (инновацион) ишланмалар охиригача етказилмасдан, олий ўқув юртларида йўқ бўлиб кетмоқда.

Масаланинг яна бир эътиборли тарафи шундаки, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш бўйича ҳақ белгилаш ва ундириш тизими кўпроқ ноҳуқуқий майдонда намоён бўлмоқда. Бошқача айтганда, улар аксар ҳолларда хуфёна иқтисодиёт сегментида қолиб кетмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда интеллектуал мулк объектлари бўйича маданий қароқчилик юқори даражадалигидан ва интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш маданиятининг паст ўринларда эканлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда интеллектуал мулкни тижоратлаштириш соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бири ушбу объектлар ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг оқилона баҳолаш тизимини яратишдир. Бунда энг асосий масала мазкур объектларни баҳолаш мезонлари ва уларни қўллаш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**О. ЭШОНҚУЛОВ,
мустақил изланувчи**

¹ О. Оқюлов. Фан, адабиёт, санъат асарларини баҳолаш ва тижоратлаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция тўплами. ТДЮУ. –Тошкент, 2020. 53-б.

² Б.Ходжаев. Товар белгиларини тижоратлаштириш ва баҳолашнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳли-ли. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция тўплами. ТДЮУ. –Тошкент, 2020. 176-б.

³ Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандарти <https://lex.uz/docs/-4842496>.

ТУНДА ЯНГРАГАН ЎҚ ОВОЗИ

Тунги соат иккилар чамаси. Атроф коп-қоронғу, қишлоқнинг ўнқир-чўнқир кўчалари жим-жит. Гоҳ-гоҳ қишлоқ итларининг эринибгина бир-икки оғиз ҳургани эшитилади. Девор паналаб ҳадиксираб бораётган уч кишининг шарпаси кўзга ташланади. Улар гоҳ тўхтаб қолишар, гоҳ олдинга силжишарди. Мўлжаллаган уйларига етишгач, биттаси тўхтаб орқада қолди. Иккитаси пастқам девордан ошиб ҳовлига тушди. Сездирмай уйга кириш учун атрофга синчиклаб қарашди. Четдаги бир уйнинг деразаси очиқ экан. Авваллари кўпчилик қишлоқ одамлари ёз ойлари ҳовлида кароватда ёки дарахт остидаги супа-чада ухлашарди. Энди эса негадир уйда деразани очиб қўйиб ухлашади. Иккиси сирғалибгина деразадан уй ичига тушишди. Кун бўйи ҳовлидаги ўтти ўриб чарчаган аёл пишиллабгина оҳиста ухларди. Улар бирданига аёлга ташланиб, қўл-оёғини боғлашди, оғзига ўзининг рўмолини бураб тикишди. Аёл жон ҳолатда типирчилар, на тура олар, на гапира оларди. Йигитлардан бири қўйнидан пичоқ чиқариб, жим бўлмасанг ўлдираман дегандек, ишора қилди. Эшик ойнасидан тушиб турган даҳлиздаги чироқ ёруғида пичоқнинг тиғи ярқираб кетди. Бунинг устига, иккинчи йигит аёлнинг юзига бор кучи билан шапалоқ тортиб юборди. Аёл қўрқув ва калтак зарбидан

ҳолсизланиб қолди.

У иккиси хоналарнинг тит-питини чиқариб, пул ва қимматбаҳо тақин-чоклар излашди. Бироқ, қанча ури-нишмасин, ҳеч вақо топа олишмади. Улар бу уйда катта микдорда пул борлигини билишарди. Аммо, қани ўша пул? Иккиси уйни қайта-қайта тинтиб чиқишди. Бари бефойда, пул йўқ эди. Алам билан тоқчадаги ичини қайта-қайта титкилашган эски сандиқни олиб пастга улоқтиришди. Шунда сандиқ ортида яшириб қўйилган нарсага кўзлари тушиб, қувониб кетишди. Дарҳол олиб очиб кўришди. Бирдан ҳафсалалари пир бўлди. Эски чакмон ичидан ов милтиғи ва уч-тўрт дона ўқи чиқди. Улардан бири милтиқни ўқлади-ю, аёлга тўғрилади. Иккинчиси унинг оғзидаги рўмолни секин олиб, қўлини қўйди.

- Пулнинг жойини айт, бўлмаса отиб ташлаймиз, - деб пўписа қилди.

Аёл ўлса ўлардики, аммо пулни қарда, кимда эканлигини айтолмасди. Чунки...

* * *

Шоҳсанам мактабда энг аълочи, энг чиройли қизлардан эди. Чиройли, аълочи бўлса-да, эрка-тантиқ эмасди. Кун бўйи ҳовлисида, далада хизмат қиларди. Шулардан ортиб, ёлғиз кўшни кампирнинг ҳам ишларига қарашарди. Мактабни тугатиб, сиртдан

ўқишга кирди. Шу орада мактаб кутубхонасида ишлай бошлади. Ўша кунлари тез-тез совчилар эшикларини қоқиб келарди. Улар ичида юқори гузарлик Мардондан ҳам совчилар кела бошлади. Мардон ўзидан бир синф юқорида ўқиган, яхши бола эди. Аммо, бир – икки йилдан бери ўқишга кира олмаётганди. Унинг отаси ўша пайтлар давлатнинг қўйини боқарди. Ўзининг ҳам қўйлари кўп эди. Чўпон бўлса-да, кўпчилик уни ҳурмат қиларди. Қисқаси, тақдир экан, улар турмуш қуришди.

Орадан йиллар ўтди. Мардоннинг отаси касалланиб вафот этди. Унга отасидан бир сурув ўзларининг қўйи, уй-жой ва қўйларни тоққа ҳайдаганда доимо ўзи билан олиб юрадиган ов милтиғи мерос бўлиб қолганди. Давлатнинг қўйи колхоз-совхозлар тугатилгач сотилиб, йўқ бўлиб кетганди. Мардон кейинги пайтлар қўй боқишдан зерикиб, чўпон ёллаганди. Бир-икки уй тозалаганда хотини Мардонга милтиқни кўрсатиб: «Шу савилни йўқ қилинг. Ё бировга беринг, ё давлатга топширинг», деб айтганида, у «Отамдан қолган мерос», деб рўйхуш бермаганди.

Улар тўққиз йил ўтгач, бир қиз, бир ўғил кўришди. Бошқа фарзандлари бўлмади. Кўп қаратишди – бари бекфойда кетди. Икки йил аввал тенгини топиб қизларини узатишди. Бу йил орзу-ҳавас қилиб ўғлини уйлантормоқчи бўлишди. Тақдирни қарангки, совчи бўлиб у ер бу ерга бориб юрган кезлари оғир бир дард боласига ёпишиб олди, ҳеч кетай демасди. Шифокорлар билан маслаҳатлашиб, чет элга олиб бориб даволатадиган бўлди. Даволатиш учун эса катта пул керак экан. Мардон хотини Шоҳсанам билан

маслаҳатлашди-ю, икки кун ўтгач қўйларининг кўпини бозорга ҳайдади...

* * *

Бу томонларда қўй-мол бозори саҳардан бошланади. Оладиган ҳам шу ерда, сотадиган ҳам шу ерда – одам ғужғон ўйнайди. Яна денг бекорчи-ю, бозорнинг ўғри-тўғриси ҳам шу ерда изғиб юради.

Мардон бир сурув қўйини бозор ичига ҳайдаб кириши билан атрофини оларману, олиб-сотарманлар ўраб олди. Изғиб, нима қиларини билмай юрган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги иккита йигит ҳам келиб тўдага қўшилди. Уларнинг кўзи бесаранжом бўлиб, хаёллари харидорларнинг қўлидаги даста-даста пулларда эди. Қани энди шу пуллар уларники бўлса-ю қолса, бир маза қилишарди-да.

Харидори чиқиб қўйлар бирин-кетин сотила бошлади. Мардон савдолашар, лекин пул зарур бўлгани учун қўйларини бозор нархидан анча паст сотаётганди. Ҳар сотганда пулни ёнидаги ўзига қўшилиб келган полвон сифат шеригига берарди. У пулларни шошилмай санаб, қўлидаги катта бозор сумкага жойларди. Ҳалиги икки йигит Мардон билан шеригининг келбатидан ҳайиқиб яқин бора олишмасди. Қолаверса, бозорда одам кўп. Агарда буларнинг ўғрилигини билиб-сезиб қолишса, бир муштдан уриб оломон қилиб ўлдиришлари аниқ. Уларнинг холироқ жойда йўлларини тўсиш ҳам бекфойда: барибир кучлари етмайди. Шунини ўйлаб бошлари қотаётганди.

Мардон баъзи қизиқувчан эзмароқ харидорларнинг «Ҳа, ака, бунча қўйни бирдан бозорга солибсиз, кўп пул керак бўлибди-да», дейишларига жа-

вобан: «Ўғилчани уйлантираяпман. Қолганига бир йўла марказдан уй ҳам олиб бермоқчиман», деди-ю ростини айтолмай кўзлари ёшланди.

Шу орада ҳалиги икки йигитнинг кўнглига шум ният инди. Машинаси бор учинчи шерикларини телефон қилиб чақириб олишди. Режаларини унга битталаб тушунтиришди. Учунчи шерик аввалига кўнмади. Лекин, жуда катта пулнинг дарагини эшитгач, рози бўлди. Улар Мардонни сездирмай кузатишди, ҳатто билдирмай уйигача машинада қорама-қора келишди. У кириб кетган дарвозани кўриб, аниқлаб, орқаларига қайтиб кетишди. Эртаси эрталаб кўча бошига келиб, машинаси бузилиб қолган кишига ўхшаб атрофни кузатишди. Кўп кутишмади. Кўча бошида Мардон ўғли билан кўринди. Улар марказга қатнайдиغان машинага ўтириб, жўнаб кетишди. Йигитлар ҳам кишлоқдан чиқиб, ота-боланинг қайтиш-қайтмаслигини билиш учун бир четда пойлаб ётадиган бўлишди.

Кеч тушса ҳам ота-боладан дарак бўлмади. Улар тунда уйга пастак девордан ошиб тушишни режалаштириб тарқашди.

* * *

Шоҳсанамнинг хаёлидан минг хил ўй кечаётганди. Гўёки пулни эри билан ўғли олиб кетганини айтса, ўзини ўлдиришлари аниқ. Орқадан етиб бориб пулни тортиб олишса, ўғлини қандай даволатади. Борди-ю, эри пулни бермайман деса, уларни ўлдиришса нима бўлади, деб боши қотаётганди. Шоҳсанамнинг хаёлига бир фикр келди-ю, уларга имо қилди. Йигит унинг оғзидан кўлини олгач, «Пулни жойини кўрсатаман», деди. «Жойини айт, ўзимиз топиб оламиз», дейишди. У:

«Молхонада, сизлар тополмайсизлар» дегач, ноилож оёғини ечиб, ташқарига судрашди. «Бирон ножўя ҳаракат қилсанг, шартта отамиз», деб кўрқитишди.

Ташқарига чиқишди. Ёзнинг туни қисқа бўлмайдими, тонг бўзариб ота бошлаганди. Қаердандир хўроз қичқирди. Ма-чит томондан азон овози эшитилди. Ёзнинг роҳатбахш туни ҳукм сурарди. Икки йигит асабийлашиб, жуда шошилишарди. Шу сабабли, милтиқ тутгани милтиқ учи билан аёлнинг биқинига бир урди. «Овозингни чиқармай тез юр. Пулнинг жойини бизга кўрсат», деди.

Шоҳсанам бир кўли билан сочидан ушлаб, бир кўли билан оғзини беркитиб келаётган йигитни жон бориचा итариб юборди-ю, «Ёрдам беринглар, ёрдам, ўғрилар...», деб бақирди. Шу тобда гумбирлаган ўқ овози тонгги сокинликни бузиб, узоқ-узоқларга тарқаб кетди. Шоҳсанам чоларқа қулаб тушди. Хиралашаётган кўзларини кўкдаги юлдузларга тикиб, «болам» деб пичирлаганча жон берди. Ушбу дамда эри билан ўғли минган самолёт Ҳиндистонга кўниш учун пастлаётганди...

* * *

Кўшниларининг хушёрлиги туфайли разиллар орган ходимлари томонидан қўлга олинди. Улардан бири аввал ҳам босқинчилик қилиб қамалиб чиққани сабабли, хафвли рецидивист сифатида узоқ муддатга, қолган икки шериги қонунда кўрсатилган муддатларга жазоланди.

Н. МИРЗААЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси,

М. СОДИҚОВ,
масъул котиб